

A. СТЕПАНОВ

ПРОВЕРЕНО _____ г.

ПОРТ-АРТУР

мудофааси қиссалари

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА»
БИРЛАШГАН НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1949.

Бу китобда А. Степановнинг „Порт-Артур“ номли романидан парчалар босилади.
Парчалар қал‘а гарнизонининг 1904 йилда
Русияга қарши тўсатдан ва хиёнаткорона
уруш бошлаган япон босқинчиларига қағиши
мардона курашини та‘рифлаб беради.

ДАСТЛАБГИ ШТУРМЛАР

Юлдузлар бирин-кетин сўниб борди. Қунчиқа томон секин-аста ёришиб, кўп ўтмай уфқдан қуёш ҳам чиқди.

Аллақаерда, йироқда тўп гумбирлади, сокин ва мусаффо осмондан учиб келаётган снаряднинг вижиллаган товуши эшитилди. Шаҳарниң четидан қол-қора тутун осмонга кўтарилиди. Яна замбарак овозлари бирин-кетин эшитилди. Шаҳар уйқуда эди. Замбарак товушлари аҳолини ўринларида турғизар, одамлар кўчаларга чиқишиб, хавотирланиб атрофга қарашар эди. Бир неча отлар замбарак товушидан қўрқиб, аравани олиб қочди-да, йўлда учраганларни ваҳимага солиб кетди.

Хотин-халажлар чўқина-чўқина, бола-чақалари ни ертўла ва подвалларга олиб кириб кетардилар.

Позицияда ҳамма нарса ҳаракатга келди: батареяларда тўпчилар замбаракларининг оғзини керакли

төмөнгө бура бошладилар, фортыларда навбатчи қисмлар ҳужумни қайтаришга эпчил ҳозирланиб бўлдилар. Иҳоталарда қоровулларнинг сони кўпайтирилди. Кейинда турган аскарий қисмлар олдинга келтирилди. Артур ёвни кутиб олишга шайланди.

Шу орада замбарак отишмаси тобора кучайиб бормоқда эди. Снарядлар фортыларнинг иҳоталарига келиб тушиб, қум ва тупроқларни осмонга учирив юборар эди.

Орқа томонга замбилларда ярадорлар ташила бошланди.

Кўп ўтмасдан ҳаммаёқни гумбир-гумбир босиб кетди. Қал’ага биринчи ҳужум бошланди.

Штаб бошлиғи полковник Рейс ма’лумот бергани келганда қал’а коменданти генерал Стессель ҳам қаттиқ уйқуда эди. Рейсни Стессельнинг хотили Вера Алексеевна чиқиб кутиб олди-да, нима гап эканлигини сўраб билгач, эрини уйғотгани кириб кетди.

— Японлар ҳужум бошлашипти, — деди у, қотиб ухлаб ётган генерални зўрға уйғотиб.

— Шаҳарга бостириб кириб, қира бошлаптими? Дарҳол штаб ёнига юзта казак, пулемёт ва замбараклар келтирилсин! — деб бақиради генерал, уйқусираб; қўрқиб кетгандан баданига совук тер чиқиб кетган эди,

— Ҳовлиқмасангчи худо ҳақи, Анатоль! Шаҳарга ҳам ҳечким бостириб кирганича йўқ, фақат бомбардимон бошланипти.

Рейснинг айтишича, бомбардимон кетидан ҳужум бошланиши мумкин эмиш. Генераллардан Смирнов, Горбатовский ва Кондратенколар бомбардимон қилинган жойларга жўнаб кетишти,—деди Вера Алексеевна, эрини овунтиromoқчи бўлиб.

Генерал нари-бери кийинди-да, ўз бошлиғининг олдига чиқди, генерал бир пасда қариб, букчайиб қолган эди. Стессель, штаб бошлиғининг докладини тинглаб, сўнг минишга от келтиришни буюрди.

— Мен сени уёққа боришга қўймайман,—деди генерал хотини,—олдинги линияга бошингни суқаверма. Орқа томондан бирон хавфсиз жойни топиб олгинда, ўша ердан қараб ўтиравер.

— Биринчи форт ўтдан холироқ, у ердан иккичи форт, иккинчи форт блан учинчи форт ўртаси бемалол қўринади,—деди Рейс.

— У ердаги блиндажлар мустаҳкамми?—сўради Вера Алексеевна.

— Жуда мустаҳкам. Шифтларининг қалинлиги бир ярим газча келади, ҳаммаси бетонли,—деди полковник.

— Ундаи бўлса майли, бор,—зўрга рози бўлди генерал хотини.— Сиз Анатолийни эҳтиёт қилиб

юринг, Виктор Александрович, у худди ёш боладай беақл.

— Жаноби олийларини құлымдан келганча әхтиёт қиласын. Ноништадан кейин Стессель блан Рейс, ўқ ёғилиб турған участкаларни узокда қолдириб, тинч жойлардан юриб, 1-нчи форт томонга жүнаб кетдилар. Бу ердан уларга тутун ва түзондан ҳечнараса күрінмаса ҳам, тинч ва бехатар эди, унинг устига хушомадгүй комендант бошлиқларни хушбүй чой ва конъяк блан мәхмон қилды. Стессель кечгача шу фортдан чиқмай ўтирди. Рост, бафуржы суҳбат орасында ҳар замон, ҳар замонда келиб туручи хавотирли хабарлар аралашиб турарди, броқ генерал уларнинг барисига: «Мавжуд вазиятта қараб ўз ихтиёргизча ҳаракат қилинг» деб ёзиб, Смирнов ёки Кондратенкоға ҳавола қыларди. Унинг жаңнан қылған бутун рәхбарлығы шу эди.



Бириңчи ўқ овозы чиқиши бланоқ қуруқликдагы мудофаа бошлиғы генерал Кондратенко шошилғанича позицияға кетди. Йўлда кетатуриб, 2-нчи форт блан 3-нчи форт ўртаси ва унинг орқасида жойлашған «Қатта Бургут уяси» фортининг ўққа тутилганини билди. «Қатта бургут уяси»дан қалғанинг Шарқ ва Шимол томонларига гүзал манзара очиларди. Генерал ўша томонға йўл солди. Кўп

ўтмай унга қалға артиллеријаси инг бошлиғи генерал-майор Белий етиб олди.

— Йўл бўлсин, Роман Исаидорович?—сўради у.

— Катта Бургутга.

— Йўлимиз бир экан. Мен кузатиш пунктимни ўша ерга қурмоқчиман.

Иккала генерал Бургут уясининг орқасидаги чуқур жарликка етиб, отдан тушишди-да, тепага ўрмалаб чиқа бошладилар. Йўлда ярадор бир матрос учради.

— Қаердан келаётирсан, азамат?—хушмуомалик блан сўради Кондратенко.

— Ана ўша Уядан,—деди матрос, қўлинин орасига силкиб.

— У ерда нима гап ўзи?

— Ла'нати япон зўр бериб ўққа тутмоқда. Бир отишда командиримиз ўлди, тўпимизни ишдан чиқарди. Битта тўпимиз бутун қолди. Ярамни боғлатдираман-да, яна қайтиб келаман,—матрос қўлинин кўрсатди,—бизникилар жуда оз қолди.

— Хизматинг учун раҳмат, яхши бор!

— Хизматингизга тайёрман, жаноби олийлари!

Аммо ўзингизни эҳтиёт қилинглар, яна фалокат бўлиб ўқ тегиб кетиши мумкин.

— Денгизчилар жуда ҳам мард, зеҳнли, ташаббусчи халқ бўлади-да!—деди Кондратенко, мароқ блан.—Илм деб шуни айтади-да. Бизнинг ўқчи

офицерларимиз уларнинг ҳатто гальванер ёки минири олдида ип ечолмайди.

Ўя тепасига олиб чиқути сўқмоқ йўлдан ўрмалаб чиқниш осон эмас эди. Йккала генерал ярим йўлга етиб дам олгани тўхташди. Уларнинг кўзларига душман ўти остида қолган кеңг манзара ташланди; ўнг томондан тўзон остида қолган 2-нчи форт зўрға кўринарди. Тўғрида, икки чақиримча олдинда атрофи тиконли сим блан ўралган 1-нчи ва 2-нчи қадимги хитой редутлари кўринарди. Дурбиндан ҳароб этилган иҳоталар ва ичкари томондаги чукурларга бекинган солдатлар кўринарди. Чап томондан 3-нчи форт яққол кўриниб туради.

— Улар ўн ўқ узса бизнинг батареяларимиз бир ўқ узади,—хавотирлик блан деди Кондратенко.

— Батареяларимизниг кўпи ноилож бекор туришга мажбур,—деди Белий.—Батареялар очиқ жойга қурилган. Тўплар кафтдек кўриниб турипти. Залитёрная, Заредутная, Волчья-Мортирная каби тўплари пана жойга ўриатилган батареялар ҳозир ҳам бўш келмайди. Қолган батареяларни ҳам шу бугун кечаси ниқоблаш керак.

Генераллар яна йўлга тушишди. Форт коменданти капитан Кремнёв уларни кўриб, ажабланди.

— Жаноб олийлар, бу ерга қандоғ келдингизлар? Бу ерда сизларга шикаст етиши мумкин,—хавотирланиб деди у.

— Мәҳнат ва қийинчилекларни ўз одамларимиз блан бирга тортишга ўрганиб қолғанмиз. Хўш, нима гап?—деди Кондратенко.

— Бекор ўтирибмиз. Отишма тугасин, шикастларимизни тузатиб, оғир ярадорларимизни жўната миз деб ўтирибмиз.

Кондратенко истеҳкомларни айланиб кўздан кечира бошлади. Та什қарида, иҳоталарда фақат часовойлар турар эди, қолганларнинг ҳаммаси блиндажларда беркиниб ўтирас эди. Генерал ҳар блиндажга кириб, солдатлар блан саломлашар, ҳазиллашар эди. Бирдан яқин бир жойга снаряд қелиб тушиб, ҳаммаёқни қалин тутун қоплаб олди.

Энг яқин блиндаждан икки солдат югуриб чиқдида, ўз дивизия бошлиқларининг енгидан ушлаб, блиндаж ичига судраб олиб кириб кетди. Улар бундай қилмаганда генерал ё муқаррар ўларди ё ярадор бўларди.

— Бундай қилишингиз ярамайди, жаноби олийлари, Роман Исидорович!—деди ўқчилардаи бири, генералдан гина қилиб.—Сиз бизнинг бошимиз бўласиз, бошни ҳамиша омон тутмоқ керак.

Кондратенко тор блиндажда букланган шинельга ўтириб, ўқчилар блан суҳбат бошлади.

— Овқатларинг қалай?—сўради у.

— Кечқурун қоронғи тушиши блан овқат келтириб туришади, аммо сувдан қийналдик: кун иссиқ

дёнг, ташна босади, сув ётишмайди, бўлса ҳам тезда сасиб қолади,—арз қилишди, солдатлар.

— Япондан қўрқмайсизларми?

— Йўқ, қўрқмаймиз. Бизга яна икки дона пулемёт берилганда эди япои сра ҳам бизнинг Уямизга яқинлай олмас эди,— қат'ий айтишди ўқчилар.

Генерал эшитган гапларни дафтарига тез ёзиб олар эди.

Бомбардимон тугаши блан Кондратенко яна шарига жўнаб кетди, солдатлар бузилган иҳоталарни тузатишга, хандақларни тозалашга киришдилар. Матрослар ўзларининг шикастланган тўпларини тузата бошладилар. Генерал Белий ўзининг узун мўйлабининг учини чайнаб, матросларга кўрсатма бериб туради.

Унинг ёнига Кондратенко келиб, икковлари орқа томонга қараб кетдилар.

— Энди қаёққа борамиз, Роман Исидорович?— сўради Белий, отга минатуриб.

— Генерал Смирновни қидириб топайликчи, у Тор қирраси томонида бўлса керак. Балки Стесель ҳам ўша ердадир.

— Ундаи эмасдир дейман. Улар ҳеч бирга юришмайди.

— Рост айтасиз, Артурнинг вазияти жуда қизиқ: аслда иккита комендант бор Стессель блан Смир-

нов, иккоби ҳам ўз ўзича ҳоқимлик қиласадай, унинг устига флот қўмандони ҳам бор денг, ҳаммаси бир бири блан урушган, талашган, учта жаноби олийлари ўртасида ишлаб кўр-чи,—деди хаёлга чўмиб, Кондратенко.

— Мен уччовининг буйругини эшитишга, аммо ишга келганда ўз билганимни қилишга ёки сиз блан маслаҳатлашиб қилишга қарор қилганман,—деди Белий.

— Сизнингча, қайси участка ҳужум остида қолган?

— Артурнинг энг нозик жойи—унинг чап томони. Агар японлар Қабутар қўлтиғи томонидан Ляотешанъга ўпириб кирсалар Артур бир зумда мот қилинади. Аммо фикримча, японлар иккинчи ва учинчи фортлар ўртасидаги мудофаамизни ёриб ўтиб шашарга тўғри бостириб киришни кўзлаганлар. Бу ораликни фақат дала типида бўлган иккита қадимги хитой редути паналаб туради.

Иккала генерал шу йўсинда суҳбатлашиб, Қиррали ~~т~~ деб аталган қиррага етишди. Қирранинг орқа томонида резерв (эҳтиёт) аскарлар ва от қўшилган дала батареялари тайёр туради.

Генераллар кўриниши бланоқ улар ёнига ёттинчи ўқчи артиллерия дивизионининг командири, қалин ва қора соқолли, елкалари кенг полковник Михмондоров келди.

— Эрталабдан бері шу ерда қаққайиб турибмиз, жаңоби олийлари. Сув йўқ, кун иссиқ, чанг, отларни сўна еб юборди, — деди полковник.

— Бу ерга ким юборди сизларни?

— Генерал Смирнов тревога бериб чақиртириди,— деди полковник; унинг кавказли экани гапидан билинар эди.

— Узи қаерда экан, билмайсизми?

— Нарида, қиррада. Каттакан тош орқасига ўтириб олган, ҳеч нарса блан иши йўқ, алла нималар ёзгали ёзган, деди Михмондоров, ачишиб.

— Мен ҳозир бориб гапиришиб кўраман,—ва да қилди Кондратенко.

Белий блан Кондратенко ярим соатча қидириб юриб, Смирновни топдилар, унинг штаб бошлиғи, дароздан келган, семиз полковник Хвостов ҳам шу ерда эди. Генерал унга буйруқ ёздирмоқда эди.

— Келганингиз яхши бўлди, қувонч блан қарши олди генерал Смирнов уларни—Қал’ага ўп хил ҳужум бўлиши мумкин, уларнинг ҳаммасига қарши тадбир ишлаб чиқдим. Мана, ўқиб чиқинглар! — Смирнов бир тахта қофозини олиб, ўзи ўқиб бера бошлади:

— «Биринчи вариант. Иккинчи ва учинчи форталарга ҳужум қилинганда 25-инчи ўқчи полк қисмла-ри...» Ҳамма қисмлар, ҳатто взводларгача қачон ва қайси томонга қараб силжишлари батафсил кўрса-

тилған әди.—Энди артиллерия түрісіда буғында қулоқ солинг, Василий Федорович!—деди-да, Смирнов қайси батареялар қанақа снарядлар блан қайси томонга отишлари кераклигини икир-чикригача қолдирмай ўқиб берди.

— Энди иккінчи вариантта келайлик,—завқ блан давом этди генерал.

Белийнинг энсаси қотиб пишқиради. Кондратенко асабийлашиб соқолини юларди, гоҳ Белийга, гоҳ Хвостовга қараб қўяр әди. Буйруқ ўқиши бир соатча давом этди.

— Қалай, Роман Исидорович? Ҳеч нарсанни унуби қолдирмабманми? — сўради Смирнов генерал Кондратенкодан.

— Барча нарсанни мукаммал назарда тутиш қийин албатта, жаноби олийлари сўнгра, бу буйруқни Стессель блан келишмоқ лозим.

— Менинг таклифимни рад қилса керак... — тарвузи қўлтиғидан тушгандаи, деди Смирнов.

«Жуда яхши бўлар әди-да», деди ичиди Кондратенко.

— Рад қилади.. — давом этди Смирнов. — Рад қилганда ҳам ёмон деб эмас, балки мендан чиққан лиги учун рад қилади. Роман Исидорович, сиз мен тузган режаларни, унга ўз шомингиздан айтиб кўрсангиз қалай бўларкин?

— Мөниқи әмаслигини Стессель дарров пайқай-

ди, — деди Кондратенко, ичида эса: «чунки мен бундай бема'ни таклифни киритмас эдим» деб ўйлади.

Генераллар жим қолишиди.

— Жаноби олийлари,—деди Белий Смирновга,— батареяларнинг кўпи ишдан чиқкан, ҳужум бошланган пайтда ўқчиларга мадад беролмайди. Флотдан ёрдам сўрамоқ керак.

— Стессельсиз қилолмаймиз буни, у бунга албатта қарши туради.

— Бу масалани унга айтишни мен ўз устимга оламан, — деди Кондратенко, Белийнинг гапини қувватлаб.

Михмондоров келиб, батареялардаги отларни сугориб келишга яна рухсат сўради.

— Икки отимиз иссиғлаб ўлди, — деди у, гапинг охирида.

— Йўқ, йўқ. Бу ишингиз блан менинг японлар ҳужумига қарши тузган учинчи вариантимни бузасиз. Кечқурунгача кутиб туратуринг, — деб буюрди Смирнов.

— Ундей бўлса кечгача менда битта ҳам от қолмайди.

— Дала артиллериясининг ҳозирча бизга кераклиги йўқ. Афтидан, ҳужумдаи дарақ ҳам йўқ. Менинчча, дивизионга рухсат бериш мумкин, — деди Кондратенко.

— Мен буюрган вақтда э’тиroz билдириласли-
гингизни сўрайман! — жаҳли чиқди Смирновнинг.

— Хўб бўлади! — истар-истамас деди Роман
Исидорович, тик туриб. — Василий Федорович, қа-
ни, кетдик! Э

— Генерал Белий ёнимда қолсин.

Белийнинг буйруқса бўйсунишдан бошқа иложи
йўқ эди. Кондратенко ҳеч ким блан хайрлашмай,
Смирнов ёнидан силжиди.

— Бир батареяни олиб қолинг-да, иккитасини
яқин атрофга суғориш учун юборинг,—деб буюрди
у, Михмондоровга.

— Раҳмат, Роман Исиорович! — деди полков-
ник, курсанд бўлиб.—У қайсар блан сра ишинг бит-
майди.—Дивизион командири севинганича от чоп-
тириб кетди.

Кечқурун Стессельнинг уйига Кондратенко, Бе-
лий, 4-нчи Шарқий — Сибир ўқчи дивизиясининг
бошлиғи генерал Фок, Рейс, Порт-Артур эскадра-
сининг старший флагмани адмирал Ухтомскийлар
ҳарбий кенгашга келишди. Қенгашда фақат Смир-
нов йўқ эди, у ўзининг ўрнига ўз штабининг бош-
лиғи полковник Хвостовни юборган эди. Стессель
ўз қарамоғидаги кишиларнинг гапини тинглаб бў-
либ, қал’а мудофаасини янада мустаҳкамлаш чора-
лари ҳақида ўз фикрларини айтишни буюрди. Э

— Бу масала юзасидан комендант ўз таклифла-

рини берди,—деди Рейс, Смирнов вариантларини узатиб.

Стессель овозини чиқариб ўқий бошлади. Ўтирганлардан ба'зилари кулиб юбориши.

— Бема'ни, сафсата, сариқ чақага эрзимайдиган гаплар!—деди Стессель, қофозларни стол устига ирғитиб,— полковник Хвостов, ўз бошлиғингизга айтинг, бундан буён бундай асар ёзишини ташласин, акс ҳолда қамал тугагунга қадар жиннихонага қаматдириб қўяман.

— Буни аллақачон қилиш керак эди,— деди ўтирган жойидан артиллерия генерали Никитин, Стессельнинг яқин дўсти.— Еттичи дивизияда унинг айби блан бугун бирқанча отнинг иссиғлаб ўлганини сен ҳали билмайсан, Анатолий Михайлович.

— Бу ишни текшириш учун сенинг раҳбарлигингда комиссия тайинлайман. Истеҳкомларнинг шикастлаиган жойларини кечаси блан тугатиш чораларини кўришни буюраман,— деди Стессель.



Қирғоқ бўйидаги Электр тоги батареясида аввалгидек сокин ҳаёт давом этар эди. Эрталабдан ҳар ким ўз иши блан овора эди. Ҳар куни батарея қуруқликдаги мўлжални бирнеча марта ўққа тутар эди. Тушки овқат олдидан солдатлар чўмилишар

Эди. Денгиз то уфуққача жимжит эди, фақат Олтин тоғ орқасидан келиб турган гумбир-гумбир бомбардимоннинг ҳамон давом этишидан дарак бе рап эди. Чошкадан кейин шаҳар устини қолқора тутуң қоплади. Батарея командири капитан Жуковский нима гап бўлганини телефон орқали суриштируди. Ма’лум бўлишича, Портдаги мой омборлари ёна бошлиган экан, ўт ён-атрофдаги биноларга ҳам ўтиб, бутун портга ўт кетган экан.

— Роза ёнмоқда-да, жаноби олийлари! Япон ўтни нишонга олиб ўқса тута бошлиди. Ўчириргани қўймайдия, — деди капитанга старший телефончи Юркин.

— Куруқлик томонда аҳвол қандай?

— Япон штурмга ҳозирлик қўраётган эмиш. Бизнинг генералимиз эрталабдан бери позицияда юрган эмиш.

Тушки овқат вақтида капитан батарея офицери поручик Борейкога шаҳарга бориб, нима бўлаётганини билиб келишни буюорди.

Поручик жон деб рози бўлди ва ўз ўртоғи прaporщик Звонаревни қўшиб юборишни сўради.

Солдатлар ҳам хавотирга тушиб қолган эдилар.

Япон шаҳарга ўпираиб кирса, у вақт бизни тиlda (уруш орқасида) турганимиз ҳолда қўлга олиш ҳеч гап эмас.

— Ҳа, ҳа-а, дарров қўрқоқлик қилибсизлар-де!

Японларга бўш келар экансизлар-де! — сўзга ара-лашди ўрта бўйли, йўғон ва чўтири бомбардир Блохин — Утёсда уч юз киши бормиз, яна учта хотин, бешта тўпимиз бор. Бизга бас келмоқ учун бутун дивизия керак.

— Мақтаниб юбординг, Блоха¹ яна балоси ур-масин, деди кулиб Борейко, солдатнинг гапини эшлитиб.

— Агар ҳар куни бизга бир стакандан арақ бе-рилса япон Артурни ўлса ҳам ололмайди, — деди солдат, айёрларча илжайиб.

— Пинжамга кирма, бари бир бермайман! Мен блан шаҳарга борасанми?

— Жоним блан! Ҳозир янги усти-бош кийиб чи-қаман,—деди-да, гойиб бўлди.

Бир пасдан кейин улар учовлари Олтин тоғ ор-қасидан айланиб, катта тош йўлдан эски шаҳар то-мон кетдилар, Борейко олдинда, унинг кетидан Звонарев блан Блохин борар эдилар. Қиррага етиб поручик тўхтади-да, атрофга қаради.

Бутун шаҳар устини қални қора тутун қоплаб ол-ган эди. Шаҳарининг гоҳ у сридан, гоҳ бу еридан ловуллаб олов чиқади. Осмонда снарядлар кетма-кет вишиллаб учиб юради. Олтин тоғ батареясидан

¹ Блоха — бурга. Солдатлар Блохинни ҳазииллашиб блоҳа деб чақирадилар. тар.

худди ёнар тоғ оғзидан бурқираб чиққандай, қалин олов отилиб чиқади-да, йигирма пудли бомба кўкни кесиб учиб ўтиб кетади. Чапда, тутун орасидан ичкарига рейднинг қуёш нуридан ярқираган сатҳи, ундаги броненослар кўринади. Замбарак отишмаси авжга етган эди.

— Ана ишлару, мана ишлар.. — деди Блохин, бошини чайқаб. — Шу маҳалгача Артурда бунақасини кўрмаган эдик.

Кўчалар жим-жит эди. Аҳоли ертўла ва подвалларга беркиниб олган эдилар, фақат шўх болалар ҳар сафар снаряд ёрилганда дарвоза тагидан мўралаб қарап эдилар. Звонарев ҳар сафар атрофга кўрқа-писа қарап, Блохин эса, ҳеч нарсани писанд қилмай, бемалол юриб борарди, фақат ичида сўкиниб қўярди.

Улардан сағал олдинроққа бир бомба тушиб, ҳаммаёқни оҳак чанг босиб кетди. Остин-устин бўлиб кетган уйдан итнинг қаттиқ ангиллагани эшитилди. Праторщик қўрққанидан ўзини четга олди. Блохин болахонадор қилиб сўкинди-да, шу блан юрагини бўшатди. Сўнгра:

— Итга ачинаман, ёмон жойига теккан кўринади. Эҳ, Артурнинг шўри қуриди! — деди-да, чирт этиб туфурди.

Артиллериячилар чанг ва снаряд парчалари босилиб бўлгандан кейин яна йўлда давом этдилар. Кў-

ча ва йўлкалар тош-тахта-ёғочларга тўлиб кетганди. Икки қаватли ғишт иморатнинг кўчага қараган томони то пойдеворигача очилиб қолган эди. Уйларнинг ичи: гилам тўшалган диван, очиқ-чочиқ ётган кровать, унинг тагидаги кровать шундоғ кўриниб турарди. Ошхонадаги бузуқ жўмракдан сув оқиб турарди. Қафасда юраги ёрилиб ўлган тўтиқуш думалаб ётарди. Чардоқда мушук питирлаб югуради. Аммо ҳеч ерда одам зоти кўринмас эди.

— Одамлар вақтида кетган экан, — деди Блохин.

Борейко қадамини илдам ташлаб, Пушкин мактабининг икки қаватли биносига етиб олди. Мактаб биноси бут-бутун эди, рост, унинг ёнидаги кўп жойларни снаряд ўпириб кетган, кўп деразаларнинг ойнаси синиб тушган эди. Бирдан подвалдан бирор офицерларни чақириб қолди. Звонарев энгashiб қараб, торгина бир уйда бир талай ярадорларни кўрди.

— Бу ерга ярадорлар тўпланган эканку! — деди у.—Опа-сингил муаллималар ҳам шу ердадир дейман. Блохин бурчакдан подвал эшигини топди. Баланд бўйли Борейко икки букилиб зинадан пастга тушди. Уларни мактаб мудираси Мария Петровна Желтова кутиб олди.

— Ярадормисизлар? Ярани боғлаттани келдингларми? — кўрқиб сўради у.

— Ҳозирга ҳаммамиз соғмиз, аҳволларингдән ҳабар олгани келдик, — деди поручик.

— Эшик олдига ажал келиб турганда аҳвол қандай бўлар эди! Эрталабдан бери мана шу тор ва дим жойда тиқилиб ўтирибмиз. Бунинг охири бўладими ўзи?

— Оқшом кириши блан босилиб қолса керак.

Дам олишиб бўлгач офицерлар тарқалишди. Борейко мактабда қолди.

— Мен бу ерда ертўлани кенгайтириб турай, сен позицияни бориб кўриб кел. Қайтишда киарсан, бирга кетамиз, — деди Борейко прапорщикка.

— Майли, майли! Юр кетдик, Блохин! — рози бўлди Звонарев.

Улар фортдан узоқлашган сари снарядлар сийраклаша борарди. Икки ҳамроҳ шаҳар атрофини ўраб олган девор ташқарисида жойлашган янги Хитой шаҳрига етиб, эркин нафас олдилар. Кўчалар бекорчи одамларга тўлиб кетганди, ҳамма форт ва рейднинг бомбардимон этилишини тамоша қиласарди.

— Кўчада юриб қандоғ бутун қолдингизлар? — деб сўрашарди одамлар Звонарев ва Блохинлардан.

— Биз сихрланганмиз, бизга бомба ҳам, ўқ ҳам тегмайди, фақат қилич кеса олади, — деб қизиқчиллик қиласарди солдат.

Шаҳардан чиқиб улар олдиндаги яқин истеҳком-

ларни кўрдилар. Йўл бурилишидан Залитёр тепалиги, ундаги батарея кўринди, унинг орқасидан Ъ Литерининг батареяси зўрга кўзга чалинарди. Литер тепасида шрапнель ўқлар ҳамда гранаталарнинг тутунлари аралашиб учарди. Фортлар томонидан орқа томонга ярадорлар ортган рикша ва извошлар, бинокорлик материаллари юкланган аравалар судралиб келарди; ўқ солинган яшиклар тарақлаб, интендант аравалари гумбирлаб келарди.

Блохин йўлда учраган одамлардан позициялардаги аҳволни батафсил сўраб билар эди.

— Кечадан буён тинмай уради бу баччағар, ҳатто фортларга овқат келтиргани ҳам қўймайди, — нолишарди солдатлар.

— Штурм қилмаётирми?

— Ҳозирча йўқ, балки кечаси штурм бошлар. Бузук-ёриқ окопларда узоқ чидаб ўтиrolmasлигимизни билар, балки.

Бирдан Залитёр батареясининг устига баҳайбат қалпоқдай қопқора ва қалин тутун учиб чиқди. Қалпоқ борган сайин кенгайиб, бутун атрофни қоплаб бормоқда эди. Сўнгра тутун ердан ажралиб, қопқора булут тусини олди. Фақат шундан кейингина снаряднинг портлаб ёрилган товуши эшитирди.

— Залитёр батареяси осмонга учиб кетди! — деди қўрқиб Звонарев; иккала тўпчи батарея томонга югуришди.

Улар Залитёр батареясидан яқиyroқ бир жойга қурилган яра боғлаш пунктига етдилар. У ерга батареядан ярадор бўлган ва ўлганларни ташиб келтира бошлаган эдилар. Энг олдин батарея бошлиги штаби капитан Високихни олиб келишди. Бомба портлашида унинг ҳаммаёғи куйган экан: бутун бадани шишиб чиққан, афтини мутлақо таниб бўлмас эди. У яна бир оз инграб ётди-да, сўнgra жим бўлди.

Енгил ярадор солдатлар ёлғиз ёки тўдалашиб келишар эди. Тезда, Б Литеридаги батареядан Звонаревга таниш бўлган яна икки тўпчи офицерни — подпоручик Содиқов ва поручик Соломоновни келтиришди. Подпоручикнинг мия суяги ичига граната парчаси кириб қолган экан, у беҳуш эди. Соломоновнинг икки оёғи майиб бўлган бўлса ҳам, у тишини тишга қўйиб, инграмасликка тиришарди, фаяқат унинг оппоқ ранги ва пешонасидағи совуқ тер доналари унинг қанчалик қийналаётганидан дарак берар эди.

Пунктга генерал Белий келди-да, Звонаревни олдига чақириб, унга буюрди:

— Б Литери батареясида ва Залитёр батареясида битта ҳам офицер қолмади. Ҳозир ўшоққа жўнайсиз. Олдин Залитёр батареясини ишга солиб, сўнgra Б Литерига ўтинг. Мен Электр тоғидан сизнинг ро-

тәнгизни чақыртириб бераман. То ротангиз етиб кел-
гунча ёлғиз ўзингиз ишлашга түфри келади.

Сен еттинчи роталикмисан? — сўради генерал,
Блохиндан.

— Худди айтганингиз, жаноби олийлари, еттин-
чи ротаданман!

— От минишни биласанми?

— Ёшлигимда от боқиб ўсганман.

— Менинг буйруғимни Электр тоғига элтасан.

Бир минут ўтмасдан Блохин кучининг борича
хуштак чалиб, йўлдан от чоптириб кетди.

— Мактабга кириб кет! — орқасидан бақириб қол-
ди пропоршик солдат бошини силкитди-да, кўздан
ғойиб бўлди.

Пропоршик Залитёр батареясига борса ҳаммаёқ
хароб экан. Батареянинг ўнг томонида порох омбо-
ри бўлар эди, унинг ўрни ҳозир бир ўра эди. Атроф
теваракда тупроқ, бетон парчалари, куйган ёғоч тах-
талар ётарди. Шу атросфда дабдаласи чиқиб ётган
ўнтача ўлик ётарди. Димоққа аччиқ тутун ва куйган
гўшт ҳиди келиб туради. Тўртта тўлдан фақат чап
томондаги Армстронгнинг денгиз замбараги бутун
қолган эди. Батареяда бирнеча тўпчи нима қилиши-
ни билмай юрар эди. Звонарев уларни чақириб олди.

— Мен сизларга командир этиб юборилдим,—
деди уларга. — Кеча ва бугун давомида бўлган
жангда бу ерда қандай ҳодисалар юз берди?

— Кеча у нукул бошқа ёққа қараб отаверди, не-

таки бизнинг батареямизни кўрмас эди. Бугун ёрталаб осмонга колбаса учирди-да, батареямизни кўриб қолиб, мўлжалга олиб ура бошлади. Қейин бирдан порох омборига ўқузди. Ба'зиларни тилка-тилка қилиб юборди, ба'зиларни эллик саржин жойгача улоқтириб юборди.

Прапорщик ўлганларни батареянинг орқасига ташшилга, иҳоталарни тузатишга буюғиб, ўзи Б.Литерига кетди.

Звонарев Залитёр тоги, унинг бағрига жойлашган ўқчиларнинг окопларини ўтиб, Б.Литерига чиқадиган йўлдан юриб кетди. Йўлнинг икки томонига Хитой девори деб аталмиш тепалик қурилган эди; бу тепаликни Артурда хитойлар ҳукмрон бўлиб турганда герман инженерлари қурган эди. Тепаликнинг баландлиги бир ярим саржин, эни икки ярим саржин келарди. Ҳаммаёғи ўт босиб кетгани учун уни атрофидан ажратиш қийин эди, шу сабабдан ҳам фортлар ва истеҳкомлар ороларини мудофаа қилишда бу қулай жойдан фойдаланилган эди.

Б.Литери ҳамон бомбардимонга тутилмоқда эди. Батарея индамасди. Солдатлар блиндажларда ўтирап ва ҳар замон ҳар замонда ташқарига мўралаб қўярдилар.

— Ўликларни тезроқ йиғиштириб олинглар, кун иссиқ, тез бузилади,—деб буюрди прапорщик.

Енига фейерверкерларни чақириб, батареяни ай-

ләниб чиқди. Фақат учта түп бутун қолган әкән. Снарядлар иҳоталарнинг тупроғини ялаб, бетони очилиб қолган эди.

Звонарев бу шикаст-бузуқларни қизиқиб текши-рар эди. Унинг эмаклаб юриб, снарядлар ҳосил қил-ган чуқурларнинг кенглиги ва чуқурлигини ўлчаб юришларига солдатлар ҳайрон бўлиб қараб туришар эди.

— Хўш, йигитлар, блиндажларда ўтирганларинг етар. Юрларинг, платформа ва иҳоталарни эпақага келтирамиз! — команда берди Звонарев.

Бир пасда соғ ва енгил ярадорлар чуқурларни гўлдирабошладилар, түп ўрнатилган майдончаларни тузатишга киришдилар.

Звонарев команда пунктига ўтди; Залитёр Ҷатаре-ясидагидек, бу ернинг команда пункти ҳам зерҳдан ясалган олди тешик манорадан иборат эди. Унинг тешигидан қараганда олдига тиконли симлар қоқил-ган икки қатор ўқчи окоплар кўринади. Узоқ паст-ликда японлар қорайиб кўринарди. Оқшом кириб қолган эди. Қуёш йироқдан қорайиб кўринган Бў-ри тоғларининг чўққисига оғган эди. Водийларга оқшом қоронғилиги тушган, бомбардимон босила борди. Совуқ турди. Овқат ортилган әраваларнинг товуши эшитила бошлади. Ҳавотирли, безовта тун кириб келмоқда эди.

Звонарев батареяга қайтди. Қўп ўтмай қорон-ғида Борейконинг йирик гавдаси кўринди.

— Хўш, нима гап? — деб сўради у.

Звонарев батафсил айтиб берди.

— Коронғи. Кичкина қўл фонус ёруғида ишлашга тўғри келади. Прожектор ишламайди,—деб тутатди докладини.

Солдатлардан бири деди:

— Кеча батареяга ғалати бир тўп келтиришди,—тумшуғи калта, ўзи мисдан ясалган, худди бақага ўхшайди. Айтишларича, ёритиш учун мушак ўрнини босармиш. Аммо уни қандай ишлатилишини ҳечким билмайди.

— Қаерда? — деб сўради Борейко.

Энг четдаги казематдан ёғоч мафетга қўндирилган кичкина мис тўпчани судраб чиқишиди.

— Ёндиручи снаряд отадиган, ярим пудли, карнайининг ичи силлиқ, тумшуғидан ўқланадиган тўп,— деб аниқлади Борейко.

— Снаряди борми?

— Бор! Снаряди ҳам жуда аломат: иккита юпқа темир тахтани бир-бирига сим блан боғлаб, ичига кулранг, аччиқ ғалати бир нарса солинган.

— Бундан эллик йил илгари Севастопольда бундай снарядлар ёғоч кемалар ва истеҳкомларни ёндириш учун отилар эди.

—Хозир бир синаң күрсак қандай бүлар экан?—
сүради Звонарев.

— Батареядан нарироққа олиб боринглар, тағин японларга мүлжал беріб қўйманглар.

Тўпни қўлда кўтариб йироқроқ жойга, Хитой деворининг нариги томонига олиб бориб ўрнатдилар. Сўнgra тумшуғидан порох тиқиб, устидан картон бостириб, бочкага ўҳшаган снарядни ўқладилар. Ўт ёқиладиган тешикка тутантириқ киритдилар-да, узун таёққа ёқилган маш’ал блан тутатиб юбордилар.

Тўп бирдан гумбирлаб кетди-да, ағанаб тушди. Думдумолоқ оловдан иборат бўлган снаряд вишиллаб, ҳаммаёқни ёритиб, осмонга учиб кетди. Аллақанча ерга етиб, жаҳаннам ўтидек қизғин снаряд японлар орасига бориб тушди. У ердан дод-фарёд садолари кўтарилди, сўнgra милтиқ овозлари эшитилди. Тўпчилар завқланиб қийқириб юбордилар.

— Биз юборган совға японларга ёқмаган бўлса керак! куйган гўшт ҳиди келиб кетди! Яна бир марта «совға» юборсак майлими, жаноби олийлари?

Броқ поручик рухсат бермади, ҳамма батареяга қайтди.

Бир оздан кейин орқа томондан хуштак аралаш ашула эшитилди:

Солдатжонлар, яшанг, солдатжонлар,
Қаердадир хотинларингиз? —
Хотинимиз—ўқланган тўплар,
Ўшалардир хотинларимиз!

— Бизникилар келди,—деди Борейко, Блохин-нинг чапанчасига чалган хуштагини таниб.

У тўғри айтган эди. Батареяга Жуковский, унинг ёнида младший офицер штаби—капитан Гудима, улар кетидан бутун рота етиб келди.

— Алексей Андреевич блан мен,—деди капитан, Гудимани кўрсатиб,—шу ерда қоламиз, сиз блан Сергей Владимировичнинг биринчи взводни олиб Залитёрга боришингизни сўрайман.

— Хўп бўлади! Биринчи взвод, менинг олдимга тўплан! ўз батареямизга кетдик!—команда берди Борейко.

Б Литер батареясига қараганда Залитёр батареяси анча тинч ва осойишта эди. Милтиқ ўқлари бу томонга етмас, снарядлар эса, кам тушар эди. Батарея бўйлаб ёқилган гулхонларда солдатлар исинишиб ўтирас эдилар. Электр тоғидан келгандар ҳаммаёқقا жон киритдилар. Кечаси блан тўпчилар блиндажларни эпақага келтириш блан овора бўлдилар. Бузуқ тўплар ўрнига янгилари қўйилди. Звонарев солдатлар блан бирга ишдан чиққан прожекторни, электр чироғларини, водопроводни тузатди, тўплар устига ниқобловчи сояронлар ясади.

Эрталабгача иш давом этди. Тонготар пайтда ҳаммани уйқу босиб ийқитди. Одамлар қаер түгри келса шу ерда, бошларини шинельга ёхуд қуруқ ерга қўйиб ўйқуга кетдилар.

—

* * *

— Турларинг! Япошка штурм бошлади!—овозининг борича бақирди Борейко.—Тўплар сочма ўқ блан ўқлансин!

Батареяга бирдан жон кирди. Солдатлар қўзларини уқалаб, ўз жойларига бориб туришди.

Тўп қулфлари шақиллай бошлади. Тўпларнинг тумшуқлари ёв томонга қаратилди. Солдатлар ертўладан сочма ўқ, юроҳ таший бошладилар.

— Тайёр!—дэйишди фейерверкерлар бирин-кетин.

— Қиррадан кўзингни узма, япон кўриндими — урабер! Серёжа, сен батареяда қоласан, мен кузатиш пунктида бўламан,—деб буюрди поручик.

Звонарев атрофга қараб олди. Қуёш энди чиқиб келмоқда, жарликлардан тонг соялари ҳали кетмаган. Тоғнинг нариги томонидан қаттиқ милтиқ отици маси бормоқда, унга замбарак гумбурлаши қўшилиб турар эди. Узоқдан ё «ура», ё «банзай» садоси эшитиларди. Ҳаммаёқни саронжом қилиб бўлиб, солдатлар атрофга қараб ёв қидира бошладилар. Аммо на олдинда, на ўнг ва на сўл томонда ҳеч кимса кўринмас эди.

— Жаноби олийлар, рухсат этинг, мен олдинга одам юборай, японларни қараб келсин—деди Блохин.

Пррапорщик бирнече кишини позициянинг чап томонига юборди-да, ўзи Б Литери батареясига олиб борадиган йўлга чиқди. Батареяни қоплаган тутун ва тўзон орасидан тўп отилгандаги чақмоқлар ялтиллаб кўринарди. Батарея остоналарида япон оламонлари кўринарди, уларни сочма ўқ шишириб кетарди. Окоплардан кетган солдатлар батарея орқасида нима қилишларини билмай туришарди. Бир офицер қарши атака бошлаш учун уларни сафга тортиши аниқ кўриниб турарди.

— Б Литерга япон байроғи тикилипти! — Бирдан бақириб юборди Блохин.

Батареянинг қоқ ўртасида, Бруствер тепасида ўртасига қизил доира солинган оқ байроқ ҳилпиллаб турарди.

— Жаноби олийлари!—деб харсиллаганича югуриб келиб қолди старший телефончи Юрин.—Поручик мадад беринглар деяпти!

Звонарев нима қилиш кераклигини энди ўйлабтурган эдики, Блохин йигирматача солдатни бошлаб, ҳужум остида қолган батарея томонга қараб югуриб кетди. Тўпчилар кетидан резервда турган бир рота ўқчилар югорди. Аммо шу маҳалда японларнинг ўзлари батареядан чекина бошлаган эдилар. Пррапорщикнинг кўзига биринчи ташланган

нарса оёғидан ўқ еган Гудима эди. Гудима ўзининг деншиги блан ярасини дастрўмол блан боғлаб ўтирган эди. Жуковский замбаракларни эпақага келтираман деб ҳаракат қилиб турарди. Бирнеча ярадорларни ҳисобга олмаса, талафот йўқ эди.

— Охири бахайр бўлди,—деди Гудима, оёқ оғриғидан афти буришиб.—Ҳамма ўқларимизни отиб бўлиб, энди милтиққа гал келганда қарасак, милтиқлар блиндажларда қолган экан. Яхши ҳам, ўқчилар мадад бериб қолди.

— Қўрқоқлар, Электр тоғи номини булғадила-рингку!—деб сўкинарди Блохин.—Биз бўлганда то битта ҳам одам қолгунча туриб берардик.

— Залитёр батареясида турган одамга гапириш осон. Бизнинг ҳар томонимиздан япон ўраб олдида, калладан ажралиш кимга ёқади дейсан,—ўзини оқламоқчи бўларди Лепёхин.

Жуковский Звонаревга чап томондаги эски да-ла тўпларидан японларнинг биқин томонига ўт очишни буюрди. 1877 йилда чиқарилган бу тўплар учинчи взвод солдатларига қарап эди; бу взводнинг мўлжалчилари Гнедин блан Воблий гарчанд пухта ва тиришиб ишласалар ҳам, унча чаққон эмас эдилар, Борейко уларни кўп сўкар эди.

Кечки пайт японлар яна штурм бошлади. Улар позициянинг олдинги томонидаги 1-нчи ва 2-нчи редутларни ва мудофаа линиясидаги (хатидаги)

Куропаткин монетини дарров қўлга киритдилар.
Жуковский Звонарев ёнига югурди.

Сергей Владимирович, ишлар чатоқ, ҳа демай ёв
орқа томонимизга ўпирашиб ўтиши мумкин. Чекиниш-
га мажбур бўлсак сизнинг взводингиз чекиниш йў-
лини пана қилиб туриши керак бўлади, — деб буюр
ди у. —

— Залитёр батареясичи?

— Бунинг ғамини Борейконинг ўзи есин. Зўр
келса — ҳужум қилаётган японларнинг биқин томо-
нини ўққа тутамиз.

Шу пайтда японлар Хитой деворининг ба’зи жой-
ларидан ошиб тушиб, Залитёр тоғига ва ундан яrim
чақиримча наридаги Қичик Бургут Уясига чирма-
шиб чиқа бошлаган эдилар. Звонарёв тўпларнинг
оғзини шу томонга ўғирди-да, барала ўт очди. Гне-
дин блан Воблий шошилмасдан мўлжалга олар ва
ҳарсафар ўқ узилгандা қўлларини кўзларига соя-
вон қилиб, снарядларнинг бориб тушишига қараб
турар эдилар.

— Жаноби олийлари, мўлжални бир даража
ошириб, трубкани қисқартиш керак эди, — деб
маслаҳат беришди улар Звонаревга.

— Майли, аммо чаққанроқ бўлинглар, ҳозир
ҳарбир дақиқа қимматли! Тезроқ бўлларинг! Пли!¹

¹ Пли! — оттегани.

Аммо Гнедін ҳам, Воблий ҳам чаққонлик күрса-
толмас әди. Прапорщикнинг сабри тугади.

— Туре бу ердан! Сенга штурм қайтариш эмас,
бурга тутиш ярашади!—деди-да, мұлжалчини ита-
риб, унинг жойига ўзи туриб түп ота бошлади. У
уларга қараганда икки ҳисса күп ўқ узса ҳам, аммо
мұлжали Гнединнидан ёмон әди.

— Снарядларни бекорга нобуд қиласиз, жано-
би олийлари,—деди Гнедин, хафа бўлиб.

Бунга жавобан прапорщик мұлжалчини қаттиқ
сўкиб берди, бир оздан кейин Воблийни ҳам ҳай-
даб юборди.

— Сен тўғрилаб туручи бўл, Жиганов мұлжал-
чи бўлсин. Бошла, Жиганов, бўш келма!—деб
буюрди фейерверкерга.

Бирин-кетин тўп отила бошлади. Снаряд ташиб
беручилар шошиб қолди. Японлар ён ва орқа то-
мондан тутилишларини кутмаган әдилар. Улар ор-
қага чекинишга мажбур бўлди. Қўшини батареялар
буни кўриб, улар ҳам японларнинг ўққа тута бош-
ладилар. Японлар тутдай тўкилиб, омон қолганла-
ри орқага қараб қочган әди, ўзларининг тўплари
чекинишни тўхтатиш учун ўқ ёфдира бошлади.
Аммо бунинг сра та’сири бўлмади. Япон солдатлари
тум-тарақай бўлиб қочар әди. Кун чиқар мамлака-
тининг байроқлари рус истеҳкомларидан бирин-ке-
тии олиб ташланди.

— Отбой¹! Тұплар жойига қүйилсін! — деб буюрди прaporшик.—Сиз иккаланғизни Залитёрға, Борейконинг олдига жүнатаман, сизларни мулла қилиб қўйисин,—деди Гнедин блан Воблийга.

Улар доим ёввош ва мулојим офицерга ҳайрон бўлиб қарап ва ўксиб, оғир уҳ тортиб турар эдиллар.

— Вазиятни сиз сақлаб қолдингиз, Сергей Владимирович! Икки минут кечикканингизда японлар иккинчи қатор мудофаа истеҳкомларини ҳам қўлга олган бўларди, шаҳарга йўл очиларди,—деди Жуковский, улар ёнига келиб.



Резервда ихтиётда турган 4-инчи Шарқий Сибир ўқчи дивизиясининг бошлиғи генерал-майор Фок асабийлашган эди. У, ўз кабинетида авжга чиқиб бораётган жангга қулоқ бериб, уёқдан буёққа юарди. Унинг ҳузурида инженер-капитан Сахаров ихтиром блан бошини эгиб турарди.

— Гапимга тушининг ахир,—асабийлашарди генерал.—Резервни токайгача олиб турай?! Смирнов блан Кондратенко эрталабдан бери безовта қилишади мени. Бутун бошли дивизиямдан ниҳояти учта батальон қолди. Стессельни «бу сизнинг ва шта-

¹ Отбой — жанг тугади! дегани.

бингизнинг маҳсус соқчи қисмлари шу» деб зўрга кўндириб олиб қолдим.

— Рост айтаман, жаноби олийлари, ярим соат, жуда борса бир соатдан кейин японларнинг шашарга бостириб кириши аниқ. Зинҳор резервдан битта ҳам солдат беракўрманг,—дерди Сахаров.

— Аммо бутун ишни денгизчилар бузиб қўйиши мумкин. Улар жуда зўр бўлади. Та'вия япон маймунларнинг тоза расвосини чиқаришади.

— Мен бунинг қат'ий чорасини кўрдим, улар юборилган жойгача етиб бормайди.

— Стессельнинг айтишича улар ўзлари атака қилинган томонга бурулиб, мен айтган биринчи фортга бориш ўрнига Залитёр тоги ва Бургут Уясига етиб қолишиптию, сиз чорасини кўрдим дейсиз!

— Етиб улгуришмайди! Б Литерининг батареяси ишдан чиқсан, биринчи ва иккинчи **редутлар** ҳамда иккинчи форт японлар қўлига ўтган, жанг иккинчи мудофаа истеҳкомларига кўчди...—деб сайраётган эди Сахаров, генерал унинг сўзини кесди:

— Яхиси, вазиятни телефончилардан аниқ билинг.

Капитан чиқди.

— Фалаба катта! Хитой девори олинган. Залитёр қамалда. Катта ва Кичик Бургут Уяларига ҳужум бошланган, деди капитан, қайтиб кириб.—Стессельнинг боши ганграб қопти. Бу ерга қелмоқда. Конд.

ратенкөнинг қаердалиги ма'лум эмас, Смирновинг ҳам.

— Кондратенко Катта Бургут Уясидан чиқмай, ўша ердан туриб ҳамма ҳаракатга бош бўлмоқда. Смирнов менга писандмас. Уни мен сариқ чақага ҳам олмайман. Стессельни резервдан солдат бермасликка кўндириб кўрайчи.

Шу дамда кайфи бузук, руҳи тушган Стессель кириб келди. У саросималаниб атрофга жовдирап эди.

— Александр Викторович, энди нима қиламиз? Салдан кейин японлар шаҳарга бостириб кирадида, Хитой урушида бўлгани каби, ҳаммани қириб ташлайди.

— Даставвал қолган резервларнинг ҳаммасини, яна юзтacha казакни шу ерга, штабга тортиш керакки, мабодо япон бостириб кириб қолгудай бўлса қўлимизда куч бўлсин. Олдинига улар бизни ҳимоя қилади, кейин эса японлар блан музокара бошлармиз.

— Кондратенко мадад сўраяпти агар жуда бўлмаганда икки батальон юборилса штрумни қайтараман дейди. Сенда қанча қолди?

— Уч батальон.

— Дарҳол иккитаси позицияга юборилсин, биттаси шу ерда турсин.

— Битта ҳам солдат бермайман!—дағал жавоб қилди Фок.

— Нега?

— Ажалим етмасдан олдин ўлишини хоҳламайман, сенга ҳам шуни маслаҳат кўраман! Биз кексайиб қолганмиз, оиланг уёқда турсин, ҳатто ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилишга қодир эмасмиз. Битта батальонни бир зумда эзиб йўқ қилиб ташлайди-ку, биласанми нима бўлади унда?

— Бу-ку тўғрия, аммо яхшиси японларни шаҳарга ҳеч киритмаслик, керак.

— Бу нарса бизнинг қўлимиздан келмайди!

— Кондратенко бунга амин...

Ўшанинг гапига ишониб ўтирибсанми?..

— Смирнов ҳам шундай дейди...

— Жиннининг гапи!

Эшик тақиллаб, усти чанг босган отлиқ чопар кириб келди, у Кондратенкодан хат келтирган эди. Стессель, қўллари қалтираб, пакетни очиб ўқиди.

«Б Литери батареяси ўт очиб, хамла қилган, ёв аскарларининг барини шипириб ташлади, денигизчилар қарши ҳужум қилиб, ҳамма ерда ёвни эски жойига улоқтириб ташладилар. Ютуқни мустаҳкамлаш учун менинг ихтиёrimга икки батальон юборишингизни сўрайман. Шаҳар таҳликадан қуттилди деб ҳисоблайман. Кондратенко».

— Худога шукурей! — деди Стессель, чўқишиб, — сўраган аскарлар юборилсин!

— Бу хабарни олдин яхшилаб текшириш керак.

Кондратенко қизиқиб кетадиган одам, күпинчә мавжуд, бор нарсаны эмас, балки хаёл қилган нарсанын күриб юради, — деди Фок, қовоғини солиб. Сабр қилиш керак!

Шу пайтда Стессельнинг ад'ютанти поручик князь Гантиуров кириб:

— Генерал Белийдан телефонограмма! — деди.

— «Ҳамма атакалар даф' қилинди, чекинаётгани ёвни ҳамма батареялардан ўт очиб қувмоқдамиз. Ўзим катта Бургут Уясидаман Артур хавфдан холи. Белий», — деб ўқиди Стессель.

— Резервлар юборилсин! Денгизчи ва тўпчиларга буйруқда ташаккур билдирилсин, — деди Стессель, энди бир оз ўзига келиб. — Мен ўз штабимда бўламан.

— Хўб бўлади, — деди Фок, истар-истамас. Сўнгра, Стессель чиқиб кетгандан кейин: — Қоронғи тушгунча батальонларни ўлсам ҳам жўнатмасман.

— Эҳ аттанг! — деди Сахаров, қовоғини солиб. — Ша тўпчиларни ер ютмайдими!

Б Литерида Электр тоғидаги Жуковский иш боши... У ерга кимни юбориш кераклигини Белий билган!

— Билиб қўйинг, резервни юбормасликка қўлимдан келганча тиришдим. — деди Фок.

— Ва'dага вафо, жаноби олийлари! Шуни ҳам билингки, бугунги ҳолат яна кўп марта бўлиши мумкин. Хайр.



Ўша куни кечқурун, қоронғи түшиб, осмонин қопқора булутлар босганды, учта генерал—Смирнов, Кондратенко ва Белий ўз ижрочилари блан бирга истеҳкомлар бўйлаб отлиқ кетмоқда эдилар.

— Гарчанд, Роман Исидорович, сиз қал'ага ҳам-ла қилишнинг ҳархил вариантларини ишлаб чиқишимга ишонмасангиз ҳам, японларнинг бугунги ҳужуми худди менинг ўнсаккизинчи вариантимга тўғри келди. Фарқи шундаки, биз мен кўзда туттанимча ён томондан эмас, балки рўпарадан қарши ҳужум қилдик,—деди Смирнов Кондратенкога.

— Ҳамма нарсани олдиндан мукаммал билиб бўлмайди, жаноби олийлари! Сиз айтган вариант блан таниш бўлмасам ҳам, ўша шароитда биргина тўғри йўл топдим, шунинг учун ҳам бизнинг қарши атакамиз муваффақиятли чиқди.

— Василий Федоровичнинг батареялари мадад бермаганда-ку нима блан тугаши нома'лум эдия!

— Тўпчилар ва дengизчиларнинг пиёдаларга мадад беришларига мен қаттиқ ишонган эдим, кўрасизки, тўғри қилибман.

— Жуда кўп снаряд сарф қилинган бўлса керак деб қўрқаман. Сиз, Василий Федорович, тежаброқ сарфланг, мўлжални аниқ олиб туриб отиш, батарея ўтини бирқанча мўлжалларга сочмасликка ҳаракат қилиш керак.

— Їаноби олийларининг кўрсатмалари тамомила бажо келтирилур,—деди Белий.

— Штурмнинг биринчи куни бизнинг тўлағалабамиз blaп тугади, сизларни табриклайман,—деди Кондратенко, ҳамроҳларининг қўлини сиқиб



Штурм эртаси кирди, тонг совуқ ва осмоннинг қовоғи солиқ эди. Кечаси сел ёғиб, энди жарларни сутдек туман қоплаб олган эди. Атрофда якка-якка милтиқ овозлари эшитиларди, дарҳол сокин ҳавода ўчарди-қоларди.

Звонарев Б Литери батареясининг иҳотасига чиқди-да, дурбиндан атрофга қаради. Йироқдан Бўри тоғлари қорайиб кўринарди, ўнг томондан Дагушан фира-шира кўринарди, чап томонда Катта Бургут Уяси кеккайиб туради, бутун пастликни эса, тебраниб турган қалин булутлар қоплаб олганди. Ҳатто юз саржинча олдиндаги хандақларни ҳам туман босгандай эди. У ер, бу ерда тунги гулхонлар сўниб бормоқда. Ҳаммаёқ жим-жит, сокин.

Пропоршик пастга тушди ва фронтдаги аҳволдан Жуковскийга ма'lумот бериб, Залитёр тоғига бориб келишга рухсат сўради, у ерда унинг буюмлари қолган эди. Унииг блан бирга олдинги позицияларда кечаси ишлаган сапёrlар борарди. Уларнинг қаршисидан кеч қолган озиқ-овқат аравалари тарақа-туриқ қилиб келмоқда эди.

Звонарев эйди Залитёр батареясыга етиб қолған әдикі, бирдан орқа томондан бирнече гумбирлаган товуш әшитилди, унинг кетидан милтиқ отишмаси бошланды. Йўлдаги қатнов дарҳол жадал тус олди. Прапорщик ҳам илдам қадам ташлаб юра бошлади. Отишма тобора кучайиб борарди. Тезда милтиқ овозлари тарақа-туруққа айланиб кетди. Бу тартибсиз тарақа-туруққа бир неча замбаракнинг гумбири жўр бўлиб қўшилди.

Залитёр батареясига етиши бланоқ прапорщик кузатиш пунктига югурди. Чалаёруғ пастликда милтиқ ўтларининг чақнаши баланддан баҳузур кўриниб туради. Бу ўтлар ғира-шира кўзга чалинган Хитой деворига томон яқинлашиб келмоқда эди. Кўп ўтмай туман ичидан айрим ўқчи ва матрослар, кейин тўдалар, улар кетидан чекинаётган рус қисмлари кўрина бошлади. Янги штурм бошланғанлиги маълум эди. Прапорщик батареяга қараб югурди, ховлиққанидан Борейкони уриб йиқитай деди.

— Нима гап? — сўради поручик.

— Атака, япон Залитёрга чиқа бошлади, тезроқ ўт очилсин!

— Тўп ёнига! Сочма қилиб отилсин! — бўкирди. Борейко.—Сен ўнг томонга югар, мен чап томонда бўламан,—шоша-пиша буйруқ берди у.

Ялангоёқ, иштончанг, кўзларидан ҳали уйқу кетмаган тўпчилар замбараклар ёнида ивирсиридилар.

Төспани мүлжалга олларинг, бадбуриш японлар кўриндими—команда кутмасдан отавер, фақат ховлиқмаларинг. Эшитдиларингми, шайтон боалари!—деб бақиради поручик ўз одамларига; у батарея супачаларидан бирида гоздай тик туради.

Чап томондаги тўпларда Родионов деган иш боши эди. Блохин ҳам шу ерда ўралишиб юрарди. Тўплар энди ўқланиб бўлинган эдики, олдинда япон аскарлари тизмаси кўринди. Бирин-кетин узилган ўқлар ёв устига визиллаб учди-да, йўлда учраганини шипириб кетди. Аммо олдинда яна тизма пайдо бўлди, унинг кетидан яна япон солдатлари келаберди. Отишманинг мазаси кетди, мүлжал ҳам бузилди.

— Жаноби олийлари, япон чап томонимиздан босиб келмоқда! — бирдан бақириб юборди Родионов.

— Милтиқ олинсин қўлга!—бўкирди Борейко.—Faқат ўнг томондаги тўплардан ўқ узилсин!

Тўпчилар, биқиндан айланиб ўтаётган ёвни найза блан қарши олиш учун милтиқларга югурдилар.

— Ховлиқмаларининг, яхшилаб мүлжалга олларинг,—оҳиста буйруқ берарди Звонарев.—Япон аскарларининг икки томонини нишонга олларинг!

Аммо солдатларнинг ўзлари ҳам гайратга ки-

риб кетган эдилар. Ўзлари чиранишдан қизарған, қўйлаклари терлаб шалаббо бўлиб кетган эди. Улар ҳар атрофга кўз ташлаб, замбарак оғзини керакли томонга бурав эдилар.

Японлар, батареянинг орқа томонидан айланиб ўтиб, «банзай» деб қичқириб, найзабозлик бошлаб юбордилар. Ҳаммадан олдин Борейко қиличини яланғочлаб уларга ташланди. Милтиқ ва қиличбозлик бошланиб кетди. Олдинига тўпчилар душманни орқага суриб ташладилар, аммо душман кучи кўплигидан орқага чекина бошладилар. Замбараклар тўхтади. Ҳамма қўлига милтиқ олди. Жанг майдонида Борейконинг ҳайбатли гавдаси устувор турар эди. У тўғри келганини уриб қиличлаб ташлар эди, унинг ёнида Родионов ва бошқалар жанг қиласар эдилар. Бирдан поручикнинг қиличи япон найзасига тегиб, чил-чил синиб тушди. Борейко орқага тисланди-да, усти темир блан қопланган катта таёқни олиб, яна японларга ташланди. Японларнинг олдинги қатори тамомила янчиб ташланган эди, қолганлари даҳшат ичидага орқага чекинди. Шундан кейин солдатлар ҳам темир таёқ ушлаб, ўз командирлари кетидан югардилар. Бу даҳшатли қурол блан улар душманнинг бошларини ёпар, қўлларини синдира, уриб йиқитар эдилар. Японлар орасига саросималик тушиб, қочиб бердилар, тўпчилар уларни қува



кетдилар. Тұпчиларга мадад бериш учун ўқчилар етиб келишиди, душман тамомила улоқтириб ташжанди.

Бу хатар энди даф' этилган әдіки, японларнинг ўнг томондан бостириб келаётгани билинди. Звонарев ва бирнеча солдат милтиқдан ўқ уза бошладилар, аммо бунинг та'сири бўлмади, японлар ҳамон бостириб келаверди, бир оздан кейин яна найзабозлик бошланиб кетди. Шу онда прaporщик Б Литери тўпчиларининг Залитёр батареяси га ёрдамга югуриб қолганларини кўриб қолди. Олдинда қиличини бесўнақай силкитиб Жуковский чопиб бораради. Унинг фуражкаси бошидан учиб кетган бўлса ҳам у ҳеч нарсани сезмас эди. Солдатлар капитандан ўзиб ўтдилар-да, ҳужум қилиб келаётган японларнинг орқа томонидан ёриб кирдилар. Уларнинг кетидан Блохин бир тўда солдатларни эргаштириб чопди. Японлар шошиб қолиб, орқага қараб қоча бошладилар.

— Тўп ёнига!—деб бўкирди Борейко ва ўзи мўлжалга олиб, қочиб кетаётган ёвга сочма ўқ ёғдирди; унинг кетидан бошқа тўплар ҳам ишга кириб, душман тамомила тор-мор этилди.

Хитой девори тагига улоқтириб ташланган японлар ён томондан ҳамла қилган ўқчи ва денгизчи-ларнинг ҳужуми остида қолди, уларнинг чекиниш йўллари энди бутунлай тўсилган эди. Қуршовда

қолган японларга қирғин келди. Қенглиги бир квадрат чақрым келадиган жойда оқ кийған руслар блан күк кийған японлар ўртасида муштлашиш бошланди. Ҳамма аралаш-қураш бўлиб кетганидан, рус артиллерияси ҳам, японларники ҳам ўқ узолмас эди. Аммо руслар томонига кўп мадад келаверди, кўп ўтмай күк кийған японлар оқлар ичида кўринмай кетди. Шундан кейин япон артиллерияси жанг бўлаётган ерни ўққа тута бошлади; руслар шошилинч суратда Хитой девори орқасига бориб беркиндилар.

Усти-боши дабдала бўлиб кетган, бош яланг, бошини боғлаб олган, қўлида қонга бўялган те-мир таёқ ушлаган Борейко иҳота тепасидан ўз батареясини кўзатиб турар эди. Ҳамма нарса жо-йида эди, йигирматача япон ўлиги ва кўпгина ярадорлар бўлмаганда, бу ерда катта жанг бўлиб ўтганига ҳеч ким ишонмас эди.

— Смирно! — бўкирди Борейко.

Солдатлар поручик томонга қараб тик туриб қолдилар.

— Мардона хизмат ўтаганларинг учун раҳмат! Ҳозир ҳаммага бир қадаҳдан арақ берилади.

— Хизматга тайёрмиз, ҳимматингизга раҳмат! — деб жавоб берди тўпчилар.

— Тимофеич ким ўлган, ким ярадор бўлган, билиб бер!

— Шукурки, ўлганлар йўқ, аммо ярадорлар қўп,—деди Родионов; унинг боши ва чап қўли боғланган эди.

— Йигирма киши,—деди у, бир минутчадан кейин,—улардан бештаси—оғир ярадор.

— Демак, соғ одамдан ўнбеш киши қолибмиз. Бу оз, яна одам сўраш керак. Праторщик қани?

— Б Литерга кетгали эдилар. У ерда ҳам ярадорлар бор,—деди Блохин; ўқ еган елкаси оғригандан афти буришар эди.

— У ерда ярадорлар қаердан пайдо бўпти?

— Капитаннинг ўзлари иккинчи ва учишчи взводни жангга бошлаб кирдилар.

— Узи бутун қоптими ахир?—Ховотирланиб сўради Борейко.

— Ҳа, саломатлар. Ана, ўзлари келмоқдалар.

Борейко «Смирно!» деб бўкирди да, иҳотадан сакраб тушиб, рота командири ёнига рапорт бергани келди.

— Бу маросиматларингиз оргиқча, азизим! Талафотингиз қанча? — сўради Жуковский.

Поручик айтиб берди.

— Сизникичи?—деб сўради у ҳам.

— Уч киши ярадор, икки киши--Гнедин blaи Воблий ўлди.

— Аттанг, яхши мўлжалчилардан эдилар.

Қапитан солдатларга хизматни яхши ўтаганлари учун ташаккур билдири.

Ярадорларнинг яраларини боғлашга киришилди.

Взводчи Родионов бир тўда солдатларга воқиани та'рифлаб берарди.

— Нуқул тумшуғимга найза тиқади, мен қўлим блан маҳкам ушлаб олган эдим, бармоқларимни кесиб кетди, бошимни ҳам пана қилмаган эканман. Артельчи Заяц бўлмагандага каллам кетарди.

— Заяц нима қилди—деб сўради Жуковский, қизиқиб.

— Япон энди менга найза урай деб турганда Заяц орқасидан келиб қулоғидан тишлаб торти. Япон чидаб туролмадида, ерга йиқилди, уни найза санчиб ўлдирдилар. Ҳов ана, батареянинг орқасида ётипти. Заяц унинг оёғидан эсадлик деб ботинкасини ечиб олди, қаранг, кийиб юрипти.

Япон ботинкасини кийиб, пайтава ўраб олган артельчи солдатлар орасида гердайиб юради.

Белий блан Кондратенколар келишди. Борейко йиртиқ усти-бошидан уялиб, дарров кўздан ғойиб бўлди. Бошқалар ҳузурида ўзини йўқотиб қўючи Жуковский хотинчалиш овоз блан команда берди-да, тутила-тутила рапорт берди. Иккала генерал у блан яхши кўришиб, ҳамлани муваффақиятли равишда даф' қилганлари учун ташаккур билдирилар,

— Сизнинг ўзингиз икки японни чопиб ташлаган эмишсиз, — деди Белий.

— Қаердан билдингиз. Жаноби олийлари?

— Б Литерида Звонарев бутун воқиани айтиб берди.

Капитаннинг афти буришди.

— Қарасам Залитёрнинг аҳволи танг, дарров ёрдамга югурдим. Бўлгани шу. Борейкони мардлик кўрсатди деса бўлади. Солдатлари ҳам, одамларнинг ярмидан кўпи ярадор бўлди, унинг ўзи ҳам.

— Камтарлик қилманг, Николай Васильевич! Сизнинг мард одамлигингизни ва жангда жасурлигингизни биз биламиз.

Генераллар батареяни айланиб қўриб, денгизчилардан яна одам юборишни ва'да қилиб, Стесель штабига жўнаб кетишиди.

Беш кун давом этган жангдан кейин штурм тугади. Японлар қўлида тамомила хароб этилган, иккинчи ва учинчи форталар ўртасидаги 1-нчи ва 2-нчи эски Хитой редутлари қолган эди. Штурм даврида японлардан 15000 киши ўлган, руслардан эса, фақат 3000 киши ўлган эди. Қўлга киритилган бу ютуқ гарнизон руҳини жуда баланд кўтарди ва ўз кучига бўлган ишончни мустаҳкамлади,

3-нчи ИСТЕХКОМ

3-нчи истеҳком қал’а мудофааси Шарқий фронт-нинг энг ғарбий форти эди. Гарчанд «омонат» деб аталса ҳам, нотўғри эмас эди. Умуман Артурда кўп нарса номига тўғри келмас эди. Аслда у 2-нчи сон форт сингари, узоқ вақтга чидаш берадиган чинакам истеҳком эди, фақат ундан сағал кичикроқ эди. Истеҳком Луэнхе дар'ёсининг водисига олиб келадиган йўлларни пана қилиб туради. Нариги 3-нчи фэртнинг ғарбий бурчагидан бошланган Хитой девори истеҳком ўрнашгган тепаликка қадар чўзилиб борар эди.

Тепадан қараганда у тепаси гумбазга ўхшаган уч бурчакка ўхшарди. Унинг олдинги томондаги иҳотаси айланма бўлиб бориб, икки учи икки томондаги брустверга тақаларди.

Истеҳкомнинг ичкари томонида гарнizon учун бетон казарма жойлашганди. Қазармада то олдинги зовурдаги бетон қанониргача ер остидан йўл

қурилганди. Истеҳкомнинг олди томонида ўқчилар учун окоплар қазилган бўлиб, японларнинг олдинги хандақлари унга жуда яқин келар эди. Бу жойда кечаси ҳам, кундузи ҳам кураш тинмас эди,—гоҳ японлар рус окопларига бостириб кирап, гоҳ руслар японларни улоқтириб ташлаб, уларнинг хандақларини босиб олар эдилар. Пулемётларнинг тир-тирлаши, милтиқбозлик, бомбаларнинг портлаши сра тинмас эди. «Кун чиқиш мамлакати ўғлонлари»нинг зўрлигига сибирлиларнинг матонати бас келарди.

Мудофаанинг бу участкасидаги вазиятни билмоқ учун эртаси куни Звонарев шу ерга келган эди.

Ҳаво булут, атрофии енгил туман босган эди. Эрталабдан бошлаб замбараклардан ўқ отилиб туар, япон батареялари эса, ўз одатлари бўйича шаҳар устига ва ички рейдда турган Артур эскадрасига снаряд ёғдириб туар эди.

Эрталаб бошланган суст отишма тобора зўрайиб, авжга чиқиб кетди. 2-нчи ва 3-нчи фортларга ҳамда истеҳкомга юзлаб снарядлар келиб туша бошлади. Бу қал’ага умумий штурм бошлашдан олдин кўрилган ҳозирликми, ё кучни синааб кўришиб,—буни билиб бўлмас эди. Праторщик истеҳкомга энди етиб келган эдики, бирдан ўт остида қолиб, дарҳол ўзини тоғ панасига олди. Тошдан тошга ўтиб,

фортлардан бир чақиримча берида бўлган Торқиррасига етиб олди. Тептекс, қуп-қуруқ бу қирра мудофаанинг биринчи ва иккинчи линиялари,— фортлар ва Хитой девори устидан устун турарди. Звонарев бир тош орқасига ётди-да, кўзига дурбин қўйиб, олдидаги манзарани қарай бошлади. Пастда, чапроқда З-нчи истеҳком кўринарди. Тўхтовсиз ёғилаётган бомбалардан унинг устини турун ва чанг қоплаган эди. Осмонда тўхтовсиз ёрилган снарядлар чақираб кетарди.

Казарманинг қоқ ўртасига катта снаряд келиб гушди, бир лаҳзада казарманинг ҳамма деразала-ридан қалин тутун бурқсиб чиқа бошлади. Звонарев бехосдан сесканиб кетди. У, ўнлаб дабдала бўлиб кетган солдатларни, бетон ва ёғоч парчаларини, ўлим талвасасида ётганларнинг аҳволларини ўткир, шимоза ва одам қони ҳиди босиб кетган ҳавони кўз олдига келтирди.

«Казармада бўлганларнинг ҳечбери соғ қолма-гандир» деб ўйлади у, даҳшат ичида ва қўшни истеҳкомга қаради.

Ҳаммаёқни туман босганидан, тутун ва чанг остида қолган истеҳком зўрға кўринарди.

Луэнхе дарёсининг нариги томонида, уфқда Бўри тоғлари қорайиб турарди.

Бора-бора кун ёришди. Октябрь ойининг ҳали

йлиқ қуёшли одам баданини иситарди. Звонарев З-нчи истеҳкомнинг қаттиқ ўққа тутилишини кўриб, борайми, бормайми деб иккиланиб қолди.--

— Бунчалик бомбардимон бўлаётган экан, мен ҳечқандай фойдали иш қилиб беролмайман, мина галлереялари эсларига келармиди,— деб ўзини ўзи оқларди у. Сўнг шундай қарорга келди: бомбардимон босилгунча шу ерда туриб, кейин истеҳкомга бормоқчи бўлди. Шундан кейин қаноат ҳосил қилиб, ўнг томонга кўзини тикди.

Тоғ қиррасининг ортида жойлашган қирқ икки линияли замбараклар батареяси кутилмаган ҳолда ишга кирди.

— Бирон снаряд тепамда ёрилдими—бўлди ,пора-пора бўлиб кетаман,— деди Звонарев ва истеҳкомга қараб секин-аста юриб кетди.

Бир соатлардан кейин бомбардимон пасая бошлиди. Звонарев фурсатдан фойдаланиб, қолган йўлни илдам босиб ўтди-да, милтиқ ўқлари ёғилиб турган кўприкдан ўтиб, казарма дарвозасига кирди.

Чарақлаган қуёш нурлари ва соф ҳаводан кейин у бирнеча шам ёқилган чала ёриқ бинога кирди, бино деразалари зерҳли қопчиқлар блан тўсилган эди. Вентиляция бўлмаганидан казарманинг ичи дим ва сасиб кетган эди. Элликтача солдат сўриларда тиззатарига милтиқларини қўйиб, бу-

юрилган ҳамоноқ югириб чиқишига тайёр ўтирар әдилар.

— Комендант қаерда?—деб сўради прапорщик биринчи учраган солдатдан.

— Жаноб олийлари ер ости йўлдалар.

Звонарев казармадан чиқди-да, бирнеча марта соғ ҳавони ютиб нафас олди. Сўнгра ер ости йўлига кирадиган эшикка қараб юрди, йўлни бирнеча фонус ёритарди. Ер ости йўлининг ярмига етиб ичкари ҳовлига кирадиган эшикни кўриб қолди. Чорроҳада кичкина стол турар, атрофида истеҳком офицерлари—комендант капитан Шметилло, тўпчи поручик Есаулов, Дебогорий-Мокриевич ва ўқчи прапорщиклар чой ичib ўтиришарди. Уларнинг хушчақчақ юzlари, ҳазил аралаш сұхбатлари бомбардимонни писанд қилмаганларидан дарак берар эди.

— Донғи кетган тўпчи ва инженерга ҳурматлар бўлсин!—деб қарши олди Звонаревни шоп мўйловли, дароз капитан.

— Бугунги жаҳанинамдан кейин бирон кимса биз томонга марҳамат қилас деб ўйламаган эдим. Дастирхонга ўтиринг. Ҳой, деньшик, стул келтир!

Пррапорщик ҳамманинг қўлини сиқиб кўришиб, кўрсатилган жойга ўтирди. Унинг фортга келиши, штаб янгиликлари, Артур овозалари ҳақида са-

воллар ёғила кетди; хуллас, бомбардимон ва унинг оқибатларидан бошқа ҳарнарса ҳақида гапирилди. Прапоршик уларнинг саволларига қўлидан келганча жавоб бериб қондирди.

— Истеҳкомингизга бўлган бомбардимоннинг тугашини бир соатча кутиб турдим-да.—иқрор бўлди, у.

— Жуда тўғри қилгансиз. Бошни ўқقا тутиб беришнинг нима кераги бор? Мен фақат навбатчи қоровулларнингина ўз жойида қолдириб, қолгандарнинг ҳаммасини казармага қамадим. Ўзим шу ерда қолақолдим, бу ердан фортнинг ҳар ерига етиб бориш осон,—деди капитан.

Қизил вино аралаш чой ичилгандан кейин Шметилло Звонаревни канонирга бошлаб кетди. Йўл зовурга нишаб бўлиб тушарди, аммо у зовурнинг тагидан ўтмасдан, балки уни иккига бўлиб юборганди. Бу жойга келганда йўл анча кенгайиб, деворларидан майда тўплар учун туйнуклар очилган эди, бу туйнуклардан олдинги хандақларни ўқча тутиш мумкин эди. Йўл худди канонирнинг ўртасигача етиб борарди. Унинг чап ва ўнг томонларига бештадан каземат қурилган бўлиб, улардаги баланд супачаларга тўплар ва япон брандерларидан ўлжа олинган бешотар тўпчалар ўрнатилганди, бу нарсалар икки томондаги зовурларни ўқча тутишга имкон берарди.

— Қапонирнинг чап бурчагида япон минёрларй ишлаётгани эшитилади,—деди Шметилло.

Звонарев қулогини тикиб кўрган эди, ерга кирка ёки кетман урилиши аниқ эшитилди.

— Сизлар ҳам мина кўмасизларми?—деб сўради прaporщик.

— Мокриевич ўз сапёrlари блан бошламоқчи Гап ўз орамизда қолсину, аммо у топилмайдиган латта ва ландавур одам-да! Унинг устига қўрқоқ ҳам. То у ҳозирлик кўриб бўлгунча японлар зоуврга ётиб олишлари мумкин. Ўшанинг ўрнига қолақолинг. Сапёrlарни олиб қоламан, ўз одамларидан ҳам қўшиб бераман, иккаламиз японларнинг бир та'зирини берайлик!

Звонарев ишнинг бунаقا бўлиб чиқишини кутмаган эди, иккиланди.

— Мен бу ерга бирнеча кунга юборилганман, мени штабда кутишади, ма'lумот беришим керак.

— Келинг қўйинг, штабини. Маркиевич бориб айтиб беради, ўзидан ҳам қўшиб айтади. Келишдикми?—деди Шметилло, Звонаревнинг елкасига уриб.

Яrim соатдан кейин солдатлар прaporщикнинг кўрсатмаларига кўра ер ости деворини кирка ва кетман блан кавлай бошладилар. Ихтиёткор одам Шметилло аллақаердан қўл кўра ва болға топти-

риб, кирка ва кетмандарни чарҳлаттириди! ром учун тахта, қоллар топтириди. Иш қизиб кетди.

Кеч киргани билинмай қолди; истеҳкомни яна ўтга тута бошладилар, снарядлар гоҳ зовурга, гоҳ канонир томига келиб тушиб ёриларди. Снаряд парчалари одамларга шикаст еткизмасин деб, солдатлар канонирниң туйнукларига турпоқ солинган қоп тиқиб қўйдилар.

Шметилло ўрнидан зўрға туриб:

— Юр, Сергей Владимирович, чиқайликчи, қўрада нима гап экан,—деди.

Осмонии пардалаган юпқа булутлар остидан юлдузлар милтиллаб кўринарди. Изғирин шамол эсиб турарди. Фронтда жимлик ҳукм сурарди, фаяқат японларниң олдинги хандақларидан тешик туйнукларда ётиб юрадиган кичкина соқчи итларниң вовуллаши эшитиларди. Японларнинг пројекторлари фронт бўйлаб ҳамма ёқни искарди. Уларниң ёруғида гоҳ хандақларнинг тепаси, гоҳ снарядлар пайхон қилиб кетган дарахтлар, гоҳ тикили симлар кўриниб кетарди.

Японлар русларнинг бутун мудофаа истеҳкомларини бирин-кетин бафуржга кузатиб чиқмоқда эдилар. Пројектор ёруғи улар турган истеҳкомга келиб тўхтади. Шметилло, бўлаётган ишлардан японлар хабардор бўлиб қолиб, ўқقا тута бошлигинлари учун солдатларга пројектор ёруғида

пайдо бўлакўрманглар деб буюорди. Прожектор бу ердан икки чақирим нарида бўлса ҳам, унинг ёруғи шу қадар зўр эдик, бемалол китоб ўқиш мумкин эди.

Олдинги иҳотага ўрнатилган замбарак олдида тўпчилар ҳаракатга келиб қслди.

— Михаил Филиппович, нима қилмоқчисиз? — деб сўради Шметилло, артиллерия офицери Есауловдан.

— Прожекторга қараб бир-икки марта ўқ юборай, жуда ҳаддидан ошиб кетди,—деди Есаулов қоронғидан.

— Ҳозирга қўятуринг!—деб тўхтатди капитан—ҳозир ярадорлар ташилмоқда иссиқ овқат ва сув келтирилди, қўра тўла одам. Японларни гиж-гижлатишнинг вақти эмас.

Подпоручик алланималар деб пўнғиллади, аммо тўпчилар замбарак ёнидан кетишли.

Орқа томондан, қиррали тоғ ортидан рус пројекторининг ожиз ёруғи пайдо бўлди.

— Японларнинг ҳамма нарсаси бизницидан яхши, пројекторлари ҳам, дурбинлари ҳам, усти-бошлари ҳам, шанц асбоблари ҳам,—деди алам блан, Шметилло.—Фақат бир нарсада—мардликда устун турамиз. Тинчлик вақтда биз юриш ва параддан бошқа нарсани билмас эдик. Шуниси қизиқки,

мен шу уруш вақтида йигирмата солдатнинг саводдини чиқартирдим.

— Қалай, ҳавас блан ўқишиадими?

— Бўш фурсатингизда казармага киринг. Бирнечча кишининг китоб ўқиганини, хат ёзиб ўтирганини кўрасиз. Позицияга кетатуриб, бир жуфт ортиқча пайтава ўрнига қўйнига алифбе китобини тиқиб кетади. Бизнинг бефаҳм генералларимиз эса, ҳанузгача савод қўшинга зарар нарса деб юришади.

— Чунки ўзлари ҳам чала савод-да! Стессельнинг буйруқларини олиб кўринг, саводсизлик унинг услуби бўлиб қолган. Ҳарбир буйруғи — аҳмақона гап.—деди Звонарев.

— Агар бизнинг аскарларимизнинг миқдори японларнидан кўп бўлмаса у маймунлар бизни роса адабимизни беришлари турган гап!—деди капитан, оғир нафас олиб ва фортнинг нариги томонига кетди.

Япон прожектори нарига ўтиб кетди, ҳаммаёқ яна зимистонга чўмди. Ўнг томонда замбарак чақнаб ўқ чиқди-да, узоқдан унинг портлагани эшистилди.

— Редут ортидаги батарея, — деб тахминлади Шметилло.—Баракалла ўшаларга! Японлар уни уриб йўқ қилишга шунча уринди, ҳеч нарса қи-

лолмади. Тұпни жойға мослаб үрнатиш шунақа бўлади-да!

Офицерлар казармага киришди, у ерда уй кўтариш бўлаётган экан. Ярадорлар ташиб чиқилган, энди навбатчилар полни ва сўриларни супурар, ювар, ишқалаб тозалар эдилар. Ер остидаги йўлда шам ёруғида солдатлар овқат емоқда эдилар. Уларнинг ёнида бомба, ўқ ва снарядлар уюб қўйилганди.

Звонарев Шметиллодан порох омбори қаерда деб сўради.

— Курилиш вақтида инженерларнинг эсидан чиқиб қолган, кейин эсларига келса кеч экан. Қаер тўғри келса шу ерга қўяверамиз,—деди Шметилло.

— Ахир бу хавфлику. Снаряднинг бир парчаси келиб тушса ҳам, ҳатто бир нарса тегиб кетса ҳам ёрилиб кетиши мумкин.

— Мана шу биз турган истеҳкомда япон снарядларидан эмас, ўз бомбаларимиздан кўп одам ўлиб кетди. Канонирдаги бетонни айтмайсизми? Семондан лойи кўп. Лилье ва Гармин деган ўша аплаҳ инженерларни суд қилмасдан осиб ўлдирар эдим!—капитаннинг жиғибийрони чиқиб кетган эди.

Звонарев капитан блан бирга фортнинг ичкари ҳовлисига ўтди. Үнг томондан замбарак ўқлари-нинг шу'лалари чиқар, гумбир-гумбир тинмай

Эшитилар эди. Снаряд визиллаб Артур устїга учиб ўтарди. Яқин масофада милтиқ ўтлари чақнап, ўқлар одам тепасидан сайраб учиб ўтарди. Шметиллонинг ўнта милтиқни бирга қўшиб тузган ва иҳота бўйлаб ўрнатилган «пулемёт»лари гоҳо-гоҳода бирданига овоз чиқариб қолар эди. Ракеталар (мушаклар) осмонга вижиллаб учиб чиқардида, сон-саноқсиз юлдузлар каби сочилиб кстарди; уларнинг ёруғида қоронғидан тепаликлар, япон окопларининг пушталари, дараҳтлар, юриб турган одамлар кўриниб қолиб, сўнгра яна зимишонлик босарди.

Иҳота ёнида часовойлар ёвдан кўзларини узмай, ҳар дамда тревога беришга тайёр турардилар. Шметилло блан Звонарев ичкари қўрани айланиб чиқдилар. Капитан ҳар бир солдат ёнига бориб тўхтар ва ҳол-аҳвол сўрашарди.

— Менинг сибирлиларим олтиндан ҳам қиммат халқ-де. Шунча вақт улар блан бирга туриб келсам ҳам ҳанузгача қадрига етмайман. Афтидан қўпол, кам гап бу халқ жуда зеҳнли ва эпчил бўлади. Японларнинг жонига тегавериб тинкасини қуритади бу одамлар. Кеча японларнинг бир итини тутиб олиб, тартарак блан арқонга боғлаб туширишибти. Бўпти ҳангама! олдинига милтиқбозлик бошланди, кетидан замбракларни ишга солдилар, ғомбалар ёмғирдай ёғилди. Итни аллақачон ҷи-

қариб, беркитиб қўйишган бўлсалар ҳам, японлар ҳамон отиб ётипти.

Офицерлар ер ости йўлига қайтишди. Солдатлар овқат еб бўлишган эди. Стол ёнидан туришар экан, зўр бериб чўқинишар эди.

— Гнедих! — деб чақирди Шметилло баланд бўйли унтер-офицерни.—Бугун японларга яна нима топиб қўйдинглар?

— Варракка граната боғлаб учирмоқчимиз, — кулди солдат, капитанга честь бериб.

— Аммо казармалар саранжом қилиниб, овқат ва сув келтирган аравалар кетгандан кейин қилларинг, одамлар нобуд бўлмасин тағин.

— Хотиржам бўлинг, Игнатий Брониславович, олдини олиб қўйғанмиз.

Звонарев солдатларнинг эрмаги қанақа бўлишини кўрмоқчи бўлди.

Ўнтача солдат катта қуроқ ясаб, думига пиликли бомбачалар боғламоқда эдилар.

Қуроқ тайёр бўлганидан кейин солдатлар зовурга чиқишидди. Японлар томонига қаттиқ шамол эсарди. Бомбаларнинг пилиги бирин-кетин ёқилиб, варраклар осмонга учирилди. Милтиллаб ёнгали пиликлар қорониғида зўрға кўринарди. Иҳота тепасида турганлар «ипни қўй! Бўшат!» ёки варрак японлар устига етган бўлса «ипни тўхтат!» деб турардилар. Бирдан осмонда ўт ялт этиб ёнарди-да,

бомба японлар устига бориб тушарди, варрак эса, бир шох уриб, баландга кўтарилиб кетарди. Солдатлар дарҳол варракни тортиб олиб, яна бомба осиб учирардилар. Саросимага тушиб қолган японлар ғойиб душманни пала-партиш ўққа тута бошлар ва алам қилганидан қўл гранаталари иргитар эдилар. Солдатлар қаҳ-қаҳлаб кула-кула казармага қочиб кириб кетардилар.

— Ҳозир яна заҳарли илон юборамиз,—деди Гнедих Звонаревга.

Японлар энди тинчиши блан икки ўқчи қўлларига майда ракеталардан олиб, зовурга чиқди. Ракеталарга узун мушак боғланганди. Ракета иргитилганда мушак ёниб, ҳаммаёқни ёритарди. Ракета (мушак) баландга эмас, балки пастлатиб иргитилар, ўқчиларнинг айтишича, «илон каби» жилпонглаб кетарди. Қирқ-эллик қадамча учиб, ерга тушарди. Иҳота устида турганлар «илон» етиб борган жойни аниқлаб, сўнгра мўлжалга олиб, ўққа тутардилар.

Энг кейинги ракета ҳали сўниб бўлмаган ҳам эдики, японларнинг фазаби қўзғаб прожектор блан истеҳкомни ёритдилар-да, бирқанча батареялардан сидирғасига ўт очдилар. Пулемётлар ёнидаги часовой ва тўпчилардан бошқа ҳамма ерости тагига кириб беркинишди.

— Японни бугун роса бопладикми!—деди Шме-

тилло, худди ёш болалардай хурсандлик блан. — Аламини олиб бўлгунича яна ярим соат тинмай от ибтуарди ҳали.

Сағал нарида турган ўқчи прaporшик:

— Тағин ҳужум бошламасайди,—деди.

— Менинг тўпчиларим қўлни қовуштириб ўтирамайди, рўпарадан ўқ ёғдириб беради,—деди Есаулов кулиб.

Звонарев потернанинг ичкари томонига ўтди. Потернага кириш йўлига ҳа деб снаряд келиб тушар, ҳатто парчалари ичкарига учиб киарди ҳам. Қўл бомбалари ва тўп снарядлари ҳам шу ерга тахтлаб қўйилган эди. Бирон снаряд парчаси келиб тегдими, бўлди, ҳаммаёқ осмонга учиб кетарди. Аммо Шметилло ҳам, бошқа яна икки офицер ҳам бу хатарга этибор беришмасди. Қапитан стол ёнига келиб ўтириди-да, иссиқ чой буюрди.

— Менга ҳам,—деди Есаулов.

— Сизга ҳамми, Сергей Владимирович?—деб сўради Шметилло, Звонаревга қайрилиб қараб.

Керосин лампа ёруғида унинг соқоли ўсиб кетган чехраси, худди атроф теваракда снаряд парчаларин учмай, ҳар дамда ажал келтириши мумкин эмсадай, бегам ва кулиб боқарди.

Бирдан улар ёнида қўзни қамаштиргундай кучли аланга пайдо бўлди. Звонаревнинг қулоғи кар бў-

либ, бир нарсага бориб ўзини қаттиқ урди-да хушидан кетди...

Хушига кела бошлаганига беш минут бўлдими ё икки соат бўлдими, буни билмас эди. Қулоқлари гаранг, бутун бадани қирсиллаб оғрир, нафаси бўйилган, жуда оғир кўринган қўл ва оёқлари итоат этмас эди. Секин-аста кўзи ёриша борди. Ахир Звонарёв ўз устига энгашган рота фельдшерининг соқолли юзини кўриб таниди-да, бурнига аччиқ бир ҳид урганини сезди.

— Ўзига келаётир,—деган йўғон овозни эшигди.

Праторщик атса урди, атса урганда боши қисирлаб оғриб кетган эди, ингради.

Фельдшер нашатир спиртни бир четга қўйиб, Звонарёвнинг оғзига дори томизди.

— Жаноби олийлари, командани ўз қўлингизга олинг,—деди у.

— Капитанчи?—зўрга сўради праторщик.

— Артиллерия офицери ҳам, улар ҳам дабдала бўлиб кетди. Бизнинг праторшигимизнинг оёғи мажақланиб ётилти. Катталардан фақат сиз қолдипгиз,— жавоб берди Фельдшер.

— Бошим зирқиллаб оғрийди.

— Бир оз контузия бўлгансиз, аммо ҳаммаёғингиз бутун, мен қарадим.

Звонарёв сал қаддини кўтариб ўзини казарма сў-

рисида ярим яланғоч ётганини сезди. Ўрнидан турмоқчи эди; боши айланиб, яна хушдан кетишига оз қолди.

Ўқчиларнинг ёрдами блан нари-бери кийинди-да, потернага чиқди. Йўлда уни ярадор ўқчи офицер чақирди.

— Ўтинаман сиздан, — отишма босилиши блан мени тиббий пунктга юборинг, йўқса қон кетиб ўламан. Шметилло сизни чақирганда яқин келмаганингиз толе'ингиз экан. Бомба худди унинг ёнига келиб ёрилди. Мен ўзимни четга олиб қолдим, бўлмаса мени ҳам парча-парча қилиб юборарди, ҳали ҳам оёғимни еди!

Японлар секин-секин отишмани тўхтатдилар. Солдатлар ўз капитанларининг ўлиги устига йиғилишди. Севимли бошлиқларининг ҳалок бўлиши уларни чуқур қайғуга солган эди.

Праторщик, Шметилло ўтирган столнинг ёниб тушган тахталарига, усти тупроқ блан кўмиб қўйилган қонларга қарадида, портловчи моддаларни потернанинг ичкарироғига ташиб олишни буюрди. Звонарёв бирдан Шметилло пулемётларининг тарақа-туруғини ва замбаракларининг гумбирлашини эшитиб қолиб, қўрага югуриб чиқди.

— Япошка босиб келмоқда! Хабар қилди бир ўқчи.

— Ҳамма—милтиққа! Биринчи вазвод ўнг томони

га, иккінчи взвод чапға, учинчиси капонирга чиқ-
син! Тұртынчы взвод шу ерда резервда турсин,—
деб буюрди Звонарёв; унинг бу буйруғини ўнлаб
овоз истеҳкомнинг ҳамма ерига етказди. Солдатлар
құлларига милтиқ олиб, айтилган жойларга югу-
ришиди.

Артиллерия отишмаси түхтади, аммо құл бомба-
лари дүлдай ёғила бошлади. Яхшиям уларнинг кү-
пи истеҳкомға етмай иҳота устига ёки унинг ёнига
келиб тушарди. Ўқчилар эпчиллик блан уларни ер-
дан олиб, японлар томонига ирғитар эдилар.

— Банзай, банзай!—эшитиларди япон томон-
дан.

Орқа томондан русларнинг проҗекторлари ёнған
эди, Звонарёв шу проҗекторларнинг ёруғида
японларнинг зовургача югуриб келиб, бамбук шо-
тилар қўйиб зовурга тушаётганларини кўриб қол-
ди.

— Капонирдан ўт кучайтирилсин, тұртынчи взв-
од қўрадаги хандақдан туриб японларга ҳамла
қиласин!—деб буйруқ берди Звонарёв.

— Бомба ташла ла'натиларга! деб бақиради
тўпчи солдат.

Қоронғида ўқчиларни кўриб бўлмас, уларни идо-
ра қилиш ундан ҳам қийин эди. Аммо солдатлар ва-
зиятга ва жойига қараб ўзлари иш олиб бораарди-
лар. Унтерлар ёки оддий солдатлар ўз таҳминла-

рини вә нима қилмоқчы эканликларини бир оғиз сүз блан айтиб қўяқолардилар. Бошқа солдатлар уларнинг гапларига дарров тушуна қолдилар. Ўқчилар Звонарёвни қоронгида кўрмасдан, унга э'тибор қилмасдилар.

Ҳали ҳам ўзига келиб етмаган прaporшикнинг қўлтиғидан ушлаб турган бир ўқчи унга:

— Даф' қиласмиз ла'нати ғилайларни, биринчи даф' қилишимиз эмас бу!—дерди. Жаноби олийлари, сиз манави потернанинг йўлагида ўтирангиз бўларди, қаерда шима бўлишини сизга айтиб туришади,—деди.

Прaporшик шу маслаҳатга кўнди. Кўп ўтмай капонирдан одам келиб, японларнинг казематларга граната ёғдирабошлаганларини ва туйнуклардан босиб киришга уринаётганларини хабар қилди. Звонарёв ўша ёққа югорди. Бирнече шам шу'ласида ўқчиларни кўрди. Улар туйнуклардан зўр бериб милтиқбозлик қилмоқда эдилар. Бинонинг ичи тутунга тўлиб кетгаиди.

— Жаноби олийлари, японларга тепадан туриб бомба ташлашни буюринг, биз шотиларни керосинга беланган увада блан ёндириб юборамиз,—деди ўқчилардан бири ва офицернинг жавобини кутмасданоқ буйруқ бергани югуриб кетди.

Энг чеккадаги казематнинг туйнугидан учига ёндирилган латта боғланган узун таёқни чиқариб,

штурм наръонлари ёндириб юборилди. Қуруқ бомбук ловуллаб ёна бошлади, бутун зовурнинг ичи ёришиб кетди.

Японлар, чекиниш йўлиниг тўсилганлигини фаҳмлаб, истеҳкомнинг қўра томонига қараб югурдилар. Улар қочиш иложини излар эдилар. Аммо бу ерда уларни тўртинчи взвод найзалар блан қарши олди. Тор ва чуқур зовур ичидаги ур-йиқит бошланди. Ўқчилар ўз хоҳишларича тепадаи пастга сакраб, японларнинг орқа томонидан бостириб келиб қолдилар. Звонарёвниг майдонини ўз фонуси блан ёритиб туришдан бошқа иложи қолмаган эди.

— Ўчир,—деди бир ўқчи туйнукдан,—ишни битирдик, биттаси ҳам тирик қолмади.

Жанг босилди. Ўлган ва ярадор бўлганларни казармага ташир эдилар, прaporщик ҳам ўшаёққа кирди.

Жанг тугаб, сукунат ҳукм сургач, Звонарёв ўзини яна бетоб ҳис қилди-да, сўрига чиқиб ётишга мажбур бўлди.

— Дамингизни олингиз, жаноби олийлари. Ла'нати энди эрталабгача жим ётади. Часовойлар қўйиб, навбатчи взводни потернага кўчирамиз-да, ўзимиз ҳам ётиб ухлаймиз,—дердилар ўқчилар прaporшикка.

Тун осоёишталикда ўтди. Тонг отганда ҳамма-

ёқни туман босган эди. Фронт жим-жит. Үйкүгә түйгөн Звонарёв ўзини анча яхши сезар эди. У, офицерлар жойини бошқалардан ажратиб турғау қодир орқасидан чиқиб, биринчи кўрган парсаси ўлган японлардан ечиб олинган бир тўда буюмлар эди. Фельдфебель вазифасини ўтовчи Гнедих рота рўзғорида керак бўлиши мумкин бўлган буюмларни—енглари кенг, мўйна ёқали япон шинеллари, қайишлар, идишлар, физгалар, ёнга осиладиган сувдон) ботинкалар, иссиқ кийимларни ажратиб турарди. Галет (қотирилган нон) ва бошқа озиқлар алоҳида ажратиб қўйиларди. Унинг теварагида турган солдатлар фельдфебельга қарашардилар.

— Биринчи взвод, кел,—деб чақирди, Гнедих.— Мана сенларга икки шинель, ботинка, галет ва консерва,—деди взвод хўжалик мудирига. Биринчи взвод кетидан қолганлари ҳам келиб тегишини олишди. Қолган буюмларни Гнедих яшириб қўйишга буюрди.

Звонарёв бу маизарага қизиқиб қараб турарди. Залитёр батареясида бу тарзда ўлжа тақсимлаш йўқ эди. У ерда жангда ким нимани олса ўзиники эди.

— Нима қилаётисизлар?—деб сўради—.

— Ўлжа бўлаётирмиз, жаноби олийлари,—деди бирнеча солдат.

— Раҳматлик капитан Шметилло поляк динида

бўлса ҳам яхши одам эди, солдатлар ўртасидә рашк ва жанжал бўлмаслиги керак дер эди,—деди Гнедих.—Мана бу—сизники, жаноби олийлафи,— деди яна ва бир четга тахланиб қўйилган офицер сумкаларини кўрсатди. Бу ерда яхши бинокль, компас, калтагина қилич ва бирнеча қути консерва ётарди.

— Ахир мен япон блан найзабозлик қилмадим ку,—ҳайрон бўлди прaporщик.

— Сиз деярлик оёқда тик турмаган бўлсангиз ҳам, жаноби олийлари, аммо ихота ва капонирда биз блан бирга бўлдингиз, сиз ҳам хавф остида бўлдингиз ва яхши буйруқ бериб турдингиз,— ховлиққанидан тантанали суратда деди Гнедих.

Звонарёв олмаса солдатларнинг хафа бўлишини билдида, миннатдорлик билдириб, ажратилган парсаларни олди.

Прaporщик ўз жойига қайтиб, ўлжа олинганинг план ва қоғозларни кўздан кечира бошлади. Уларнинг ҳаммаси японча ёзилганди, планларда эса, рус форtlари, батареялари, ҳаммага ма’лум бўлган япон окоплари чизилган эди. Аммо хариталарда японларнинг на батареялари, на ҳарбий муассасалари кўрсатилган эди.

Звонарёв япон найзаси блан бир консервани очиб қараса, жуда ширин қуюқ сут экан, галет блан қўшиб еб олди. Гнедих қандала хиди келади-

ган ярим шиша конъяк ва бир қути арzon сигаретка келтирди.

— Ўтир, Гаврилич,—деди Звонарёв,—бирга ичиб, овқатланамиз.

Фельдфебель қалпогини бошидан олиб, чўқинди-да, ёнидан бир бўлак қора нон чиқариб, шошилмай овқат ейишга киришди. Овқат ер экан, бунидан ярим йил илгари оддий солдат бўлганини, жангда мардлик кўрсатгани учун мансаб берилганини, аммо «гердайиб кетмай, солдатларни ҳурмат қилишини» айтиб берди: сабабсиз урмайман, сўкмайман, бошлиқларга чақимчилик қилмайман, шунинг учун ҳам солдатлар мени ҳурмат қилиб, «бизнинг атаманимизсан» дейишади, деди. Тинчлик вақтда тайгада олтин қидиручилар блан бирга юриб шиллар экан, ўша ерда ҳам ёшлигига қарамай, атаман бўлган экан. Шметиллони ҳурмат қилиб эсга олди, ярадор прaporщикни сўкди; унинг фикрича, прaporщик «мустақил одам эмас» экан, биронта хавф туғилса дарров панаға қочар экан.

— Сиз, жаноби олийлари, отингизни билмайман, бизнинг командиримиз бўлиб қолақолниг. Раҳматлик Игнатий Брониславович ҳам сизни маҳтар эдилар. Ҳар қанақа ишга уста эмишсиз. Кечачам мардлигинизга солдатлар қойил қолишиди...

— Бошқалар мансаби баландроқ командирни юборишиади.

Ӱвқатини еб бўлиб, Звонарёв блан Гнедих қапонирга чиқишиди.

Тинч вақтдан фойдаланиб солдатлар тўғри келган ерда,—казарма сўриларида, потернада, девол тагларида ҳамон ухлаб ётар эдилар.

Мина кўмиш иши давом этар эди. Звонарёв қўрқа-писа еости галлереясига (еости йўли) кирди. Иккинчи фортда бир куни тупроқ босисб қолгандан бери анча қўрқадиган бўлган эди. Галлереянинг охиригача бориб, прaporщик қулоқ солди. Жим-жит.

— Дам олаётган бўлса керак ла'нати ғилай Қўп чарчаган кўринади,—деди сапёр.

Чап томондаги галлереяда ҳам шу аҳвол эди. Звонарёв японлар нега мина кўмишни тўхтатишиди экан деб ҳайрон бўларди.

Аммо японларнинг ўзи ўз сирларини очиб қўйдилар. Туман йўқ бўлиш бланоқ истеҳкомга яна ҳамла бошланди. Японларнинг олдинги тизмалари зовурнинг бўйига келиб ётиб олган эди, кейингилари эса, зовур бўйига югуриб келиб, латта тиқилган қопларни зовур ичига ташлаб, яна қочиб кетар эдилар. Ўқчилар ёвга бомба ёғдирдилар, японлар писанд қилмас эдилар. Улар ҳамон пастга қоп ирғитаверар эдилар. Бир оздан кейин зовур ер блан текис бўлди.

Қапонир туйнугидан қараб турган Звонарёв бу-

нинг нимага кераклигйни тушинолмасди. Ўқчилар ҳам турлича таҳмин қилар эдилар. Бирнеча киши ўз хоҳиши блан зовурга тушиб, бир неча қопни кўтариб чиқишиди, очиб қарашса—латта ва увада блан тўла экан.

Звонарёв солдатлар блан бирга қопларнинг ичи-ни қараб турган чоғда японлар бирдан атака бошлаб қолди. Бу сафар улар зовур тепасига келиб тўхтамасдан, балки уч саржинча баландликдаи юмшоқ қоплар устига сакрар эдилар; қопларнинг ўзи ҳам шунинг учун ишланган бўлса керак. Бир зум ичиди зовур япон солдатларига тўлиб кетди, улар зовурнинг ичига бамбук шотиларни тиркаб, тепага чиқа бошладилар. Истеҳком тахлика остида қолган эди, чунки Звонарёвнинг биргина ротасига камида иккита батальон ҳужум қилганди. Аммо ўқчилар бўш келмадилар. Япон артиллеријасининг жим туришидан фойдаланиб, улар ҳамла қилучи колонналарни рўпарадан туриб ўқ отиб кутиб олдилар. Сўнгра пайзабозликка ўтиб, ёвни зовурга улоқтириб юборабердилар. Гнедих ва яна икки солдат иҳота устига бир бочка керосинни думалатиб чиқдилар-да пастга ирғитиб ташладилар. Бочка ёрилиб, ҳамма ёққа керосин оқиб кетди, сўнгра бирнеча қўл гранаталарини ташлаб-ёндириб юбордилар, бир лаҳзада бутун зовурни ўт олиб кетди.

Осмонга қалин тутунлар кўтарилиб, ғов ҳосил

Қилди. Даҳшат ва зовур ичида гангираб қолган японлар устига пулемётлардан ўқ ёғдира бошланди.

Қўшни зовурда ҳам аҳвол шундай эди. Солдатлар тепадан туриб зовур тагида югуриб юрган японлар устига тинмай бомба ташлаб турар эдилар. Капонирдаги пулемётлар бетўхтов ишларди, тўртингчи взвод эса, олов дengизидан омон қутилиб чиққан японларни уриб ўлдирмоқда эди.

Истеҳкомда нима бўлганини билмаган японлар зовур ёнига ҳамон келишаверар эди, аммо олов ёнига келиб, даҳшат ичида туриб қолдилар, шу пайтда Шметилло пулемётлари ва тўплар уларни ишириб ташлар эди.

Қал'a батареялари истеҳкомнинг аланга ва турун ичида қолганини кўриб, энди иш тамом деб ўйлаб, японлар устига ўнлаб замбараклардан ўқ ёғдира бошладилар, японлар тутдай тўкилди, қолгандарни қочиб берди.

Звонарёв аччиқ тутундан нафаси бўғилиб гоҳ иҳота устидаги ўқчиларга бошчилик қиласарди, гоҳ капонирда аччиқ тутундан чала ўлик бўлиб қолгани ва шафқатсиз суратда ёвни қиручи пулемётчилар ёнига югуриб борар, гоҳ орқа томоннинг мустаҳкамлигини билмоқ учун қўрага, казармалар ёнига югуриб келарди. Шметилло мустақил бўлишга ўргатган солдатлар ўз ишини пухта билган одамдай ишлардилар, уларнинг бир ўқи ҳам бекорга кетмас,

бир бомбаси ҳам беҳуда ташланимас эди. Ярадор бўлганлар штурм тугамагунча ҳеч қаерга кетмаймиз деб туриб олган эдилар, ўлганларнинг сони оз эди.

Солдатлар душманни қириб бўлиб, худди қиин бир юмушни адо этган одамдай юзларидан терларини артиб, вақтлари хуш кулишарди.

— Капитанимизнинг хотирасини яхши эсладик,—биттаси ҳам тирик кетмади...

— Қовурилган гўштнинг ҳиди босиб кетди-ку, — деди Гнедих, Звонарёв блан бирга кетатуриб.

Прапорщик часовойларни қўйдириб, қолган ҳаммани казарма ва потернага киритди. Ҳаммаёқни тутун босганидан фойдаланиб, отхонада ўт ёқишиди, кундуз куни одатда сра ўт ёқилмас эди. Бироздан кейин бакда сув қайнади, ўқчилар чойнак, кружжаларини тўллира бошладилар.

Звонарёвни шарқий қисмнинг мудофаа бошлиғи генерал Горбатовский телсфоинга чақириб, искеҳкомда аҳвол қандай деб сўради. Прапорщик ҳамма гапни батафсил айтиб берди.

— Дарҳол ўт ўчирилсин, бундан буён бунга йўл қўйилмасин! — бирдан буюриб қолди генерал.

Прапорщик, генерал тушинмаган бўлса керак деб ўйлаб, ўт чиқиш сабабини яна тушинтира бошлади.

— Бу йўл биз японларнинг бир батальонча ас-
карларини қириб юбордик, — исбот этарди у.

— Қат'ян ман' этаман, — деди генерал да-
ғаллик блан.

— Нима? Японларни қиришни ман' этасизми?—
қайта сўради. Звонарёв.

— Қиришни буюраман, ўт ёқиши ман' қила-
ман,—та'кидларди генерал.— Ортиқ гапиришни
лозим курмайман,—деди жаноби олийлари ва гапни
тамом қилди.

— Ўтакетган ахмоқ! — сўкинди прaporщик,
трубкани жойига илиб.

— Ким, жаноби олийлари?—деб сўради теле-
фончи.

— Менинг бир танишим, — деб кулди прapor-
щик.

Японлар истеҳкомни яна муентазам равиша
тўпга тута бошлидилар. Ўнбир дюомали бомбалар
увуллаб учеб ўтиб, ерни ларзага келтириб порт-
ларди, юз йигирма миллиметрли тўпларнинг ўқ-
лари чинқириб учар, олти дюомалилари гумбир-гум-
бирлаб ураг эди.

Ҳаво очилиб, қуёш чараклаб кетди, аммо боши-
га кўп мاشаққат тушган З-нин истеҳкомни ҳамон
ёнғин тутуни қоплаб ётарди. Аммо ҳаёт булоқдай
қайнарди. Ўқилар аллақаердан гармонь топиб ке-
либ, гумбир-гумбир остида базм қуардилар. Зво-
нарёв ўз бурчагида қечаги ва бугунги штурмлар

ҳақида узундан-узун ма'лумот ёзиб ўтирап экан, солдатларнинг базмини тамоша қиласди. Унинг ёнида ўтирган Гнедих айниқса мардлик кўрсатган солдатларнинг номини айтарди, аммо камтарлик қилиб ўз номини айтмасди.

Пропорщик ма'лумотни ёзиб бўлиб, сўнгра чўзилди. Боши ҳамон қаттиқ оғрир, кўнгли айнар, чарчаганидан кўзлари юмилиб кетарди. Мудради. У чодир орқасидан солдатларнинг «жаноб олийларимиз омон бўлсинлар!» деб бақиришларидан ўйғониб кетди.

Звонарёв ўрнидан туриб улгурмаган ҳам эдики, инженер-полковник Рашевский блан бирга Кондратенко кириб келди.

— Истеҳком коменданти сиз экансиз-да! — деди генерал.— Истеҳкомни бундай моҳир мудофаа қилишга ким раҳбарлик қиласр экан деб ҳайрон бўламан! Истеҳкомнинг тўрт атрофини ўт ва тутун босган. Ана қўлдан кетди, мана кетди деб турган бир чоқда японлар тумтарақай бўлиб қочиб қолади.

— Менинг ролим икки-уч буйруқ бериш блан кифояланди холос. Японларни солдатларнинг ўзлари қувиб юборишиди.

— Сизнинг камтарлигинизни биламан, Сергей Владимирович.

Звонарёвнинг бирдан боши айланиб кетиб, гандираклади ва зўрга туриб қолди.

— Сизга нима бўлди, бетобмисиз? — уни ушлаб қолди Рашевский.

— Кечаки бир оз контузия бўлган эдим, — сеқин деди прaporщик.

— Жаноби олийлари икки соатча беҳуш ётдилар, япон штурм бошилаши блан икки солдат уларни қўлтиқлаб олиб чиқди, ишга бошчилик қилдилар, — изоҳ берди Гнедих.

Кондратенко миннатдорлик блан Звонарёвинг қўлини сиқди, Рашевский ҳам унинг қўлини сиқди.

— Мен сиз жаноби олийларидан мени шу ерда қолдиришингизни сўрамоқчи эдим.

— Йўқ, бўлмайди, мен рози эмасман. Бошқа жойларда ҳам кераклигингиз бор. Қани, энди менга истеҳкомни кўрсатилингчи, — илтимос қилди Кондратенко.

Прaporщик генералии потерна орқали капонирга олиб ўтди. Кондратенко ҳар қадамда бир тўхтаб, солдатлардан гап сўради. Кўпларини танир ва отларини ҳам билар эди.

— Уларни қаердан танийсиз, жаноби олийлари? — ҳайрон бўлди Звонарёв.

— Шметиллонинг ўқчилариними? Менинг дивизиямда булардан ўтган қаҳрамон йўқ. Игнатий Брониславовичнинг ўлган ҳабари штабга етганда истеҳкомнинг умри оз қопти дейишди. Смирнов япон ҳамласининг бир минг бир юз биринчи ва-

риантини тузиб чиқа бошлади. Аммо шметилло-чилардан менинг кўнглим тўқ эди, шунинг учун ҳам резерв қисмларнинг бу ерга етиб келишини кутиб ўтирмасданоқ, Сергей Александрович иккимиз йўлга чиқиб келавердик, — дерди Кондратенко, потернадан ўтиб борар экан.

Шметилло вафот этган жойга етиб генерал бошидан фуражкасини олиб, чўқинди.

— Жойи жаннатда бўлсин. Мард солдат эди мардона ўлди!

Капонирда Звонарёв ниҳоятда ёмон бетонни кўрсатди, бетон атрофидаги шағалли тупроқقا қараганда анча юмшоқ эди.

— Изми менда бўлганда Барминни бу ерга қаматдирардим-да, японлар капонирни портлатиб юбо-ришларига қадар чиқармасдим, — деди Кондратенко. — Капонирни мустаҳкамламоқ учун қандай чора кўрмоқчисиз?—деб сўради Ращевский-дан.

— Ҳеч қанақа. Бу камчиликни ҳозир тузатиб бўлмайди.

— Бўлмаса капонирнинг устига тош ётқизиб, устини семонлаб ташлаш керак.

— Хўб бўлади, жаноби олийлари! —деди Ращевский.

— Сўнгра Кондратенко ҳамма иҳоталарни айланиб чиқди. Японларнинг ишларига дурбиндан

қараб, сүнг, кетмоқчи бўлиб турган эди, бирдан яқин бир жойга Японларнинг кичкина бомбачаси тушиб ёрилди. Звонарёв ингради-да, бошини ушлаганича ерга йиқилди. Кондратенко унинг ёнига югурди. Пропоршикнинг ранги оқариб кетган ва беҳуш эди.

— Бунга нима бўлди? — ҳайрон бўлди генерал. — Шу арзимаган нарсага шунақами?

— Жаноби олийларининг бошига яна портлаш зарбаси келиб теккан бўлса керак, — деди югуриб келган Гнедих ва ўқчилар блан биргалашив пропоршикни казармага олиб кириб кетди.

— Резерв келгунча ўзим командир бўлиб турман, сиздан Сергей Александрович, капонирга тош ётқизишигизни сўрайман, — деди Кондратенко.

Истеҳкомга тайин этилган роталар етиб келгунча бир соатдан ортиқ вақт ўтди. Ўша роталар блан янги комендант Ржевуский ҳам келди. Кондратенко истеҳкомдан жўнаб кетаётган пайтда Гнедих унинг ёнига келди.

— Бир ойдан бери шу ердан қимиirlамай ётибмиз, жаноби олийлари, бйтлаб кетдик, ҳаммаёғимиз кирлаб, харишлаб кетдик. Рухсат этинг, ҳаммомга тушайлик.

— Хўб, бир ҳафта дам олинглар, кейин яна позицияга юбораман.

— Минг раҳмат! — деди солдат, хурсанд бўлиб.
Қош қорайганда шметиллочилар ҳамма ўлжакарини кўтариб, Звонарёвни замбилга солиб, истехқомдан кетдилар.

Звонарёв учун миналар уруши шу блаш тугади.

АРТУРНИНГ СҮНГИ ҚУНЛАРИ

Порт-Артурнинг қамал этилганига қарийб ўн бир ой бўлди. Саккиз ой бўлдики, қал'анинг ташқи дунгё блан алоқаси узилган; беш ойдан бери қал'анинг олдинги томондаги фортлари учун шиддатли жанглар борарди. Уёғини суриштирганда, японларнинг қамал тўплари бу фортларнинг барини ўққа тутавериб, ер блан текислаб юборган эди. Аммо бу ҳаробалар учун ҳам жаиг сра пасаймасдан давом этарди. Очлик, зангла, тиф ва бошқа балолар ҳукм сурган қал'a гарнизони кундан-кунга камайиб борар эди. Шундай бўлишига қарамай, қал'анинг ҳали ҳаёт ҳимоячилари сон жиҳатдан устун турган ёвга мардона бардош берар эдилар.

2 декабрьда 2-нчи фортда генерал Кондратенко ўлдирилди, уни «Порт-Артур мудофаасининг юраги» дердилар. Унинг қуруқликдаги мудофаа бошлиғи мансабига сотқин ва хоин немис генерал Фок

минди. Ў, японлар блан тил бириктириб, кўп дёганди икки ҳафта ичида рус қал'асини японлар қўлига топширмоқчи бўлган эди. Бунинг учун даставвал у гарнizon миқдорини икки ҳисса камайтирди.

— Одам кўп бўлган жойда юқумли касалликлар кўпаяди, талафот ҳам кўп бўлади албатта. Фақат ҳоинларгина гарнizonлардаги аскарларнинг сонини кўпайтирадилар, — деб уқдиради доним Стессельга.

Иккинчи фортнинг аҳволи айниқса ёмон бўлсада, унинг гарнizonи кўп қисқартилди. Японлар фортнинг олдинги зовурига маҳкам ўрнашиб олиб, брустверни қўпориб юбориш учун куну-тун тинмай ҳозирлик кўрадилар. Японлар контэрэскарп галлереясининг олдинги қисмини ҳам эгаллаб олган эдилар. Фортга ўнбир дюомали снарядлар ёғдирилар, орқа томондаги казармалар эса, бузилиб-ёрилиб кетганди.

Бешинчи декабрь тонготаридан фортда суст отишма бошланган эди. Гарнizon орқа томонидаги казармага беркинган, ихоталар устида фақат часовийлар қолган эди. Ҳаво очик, қуёш чараклаб ёнарди. Ўзоқ вақтдан бери қамалда ётиб чарчаган солдат ва матрослар орқа томондаги жандақка чиқиб қуёшда исиниб ўтирас эдилар. Фортнинг янги коменданти штабс-капитан Қвани ҳам

шу ерда эди. Ү госпитальдан яқинда чиққан, өғөч таяниб юрарди.

Қванц потернага тушди-да, хароб ҳолга келиб қолган контрэскарп галлереясига ўтди. Ҳатто кундуз кунлари ҳам буер қоронғи бўларди.

Жаноби олийлари, бу ерга тўп олиб чиқиб, японнинг тўғрисидан отиб бериш керак, эди-да!..— деди штабс-капитанга, Блохин.

— Менга насиҳат берадиган ўзинг кимсан? — аччири келди офицернинг.

— Бомбардир — лабораторист Блохинман, фортда мина ишларини бошқараман.

— Ҳа-а-а! Қандай қилиб минёр бўлиб қолдинг?

— Ўзим хоҳладим. Бу ерга прапорщик Звонарев блан бирга келган эдим.

— Майли, айтганинг бўлсин, аммо чаққонроқ бўл, японлар фортни портлатиб юбормоқчи.

Чорак соатдан кейин Блохин ўқчи ва матросларнинг ёрдами блан галлереяга элликбеш миллиметрли тўпни судраб келди-да, худди иҳотанинг ортига ўрнатди.

— Туёғингни шиқиллатиб қол бу ердан, пиёдалар, — деб буюрди у.

Янги пайдо бўлиб қолган командирга солдатлар ҳайрон бўлиб қараб қолишиди.

— Кўтар ўзинг бу ердан ашқол-дашқолингни тезроқ, бўлмаса адабинги бериб қўямиз, — жавоб қилишиди ўқчилар.

Блохин индамасдан иҳота устидаги қопларни тусириб, тўпнинг тумшуги учун туйнук оча бошлиди. Японлар буни билиб қолиб, бирнече бомба ташлаган эди, ўқчилар уни осмонда ушлаб олиб, яна японларнинг ўзига иргитдилар.

Блохин тўпни ўрнатиб бўлиб, ўзи мўлжалга олди-да, японлар устига бирнече ўқ узди. Японлар орасига саросималик тушди, улар дод-фар'ёд қилиб галлереяни ташлаб қоча бошлидилар. Блохин, ёвнинг ҳовлиқиб қолганини кўриб, кетма-кет ўқ узар, устидан граната ирғиттар эди.

— Қани, юрларинг кетимдан атакага! — деб бақирди ўқчи унтер-офицери ва хабар этилган иҳотанинг устига югуриб чиқди, унинг кетидан солдатлар югуришди. Блохин, юзидағи терни арта-арта тўп ёнида қолди.

Ўқчилар контэрескарп галлереясидан ўтиб ҳароб этилган капонирга чиқдилар, у ердан зовурга ўтиб, японларнинг мина кўмилган галлереяси олдидан чиқиб қолдилар. Ёв бироз ўзига келиб ва русларнинг оз эканлигини билиб, ҳамла қилиб қолди. Бир зумда ўқчилар найза сб ҳалок бўлди, шуидан кейин японлар контэрескарп галлереясига бостириб кирдилар, бу ердан форт ичидаги казармага бостириб киришга интилардилар.

Аммо Блохин бўш келмади. У тўпдан бетўхтов ўқ уза бошлиди. Тор галлереяда битта ҳам ўқ бекор кетмас эди, ҳар снаряд ёвнинг устига бориб

түшарди, японлар қапонир томонга қарағ қоча бошлишди. Японлар у ерда пулемёт ўрнатмоқчи бўлишган эди, Блохиннинг тўпи бир лаҳзада уларни сидириб ташлади. Тўп ўти панаси остида ўқчилар янга капонирга силжиб бордилар-да, турпоқ солинган қоплардан ғов ясаб элдилар.

Русларнинг бу дадил ҳаракатлари японларни ўз резервларини иккинчи фортга тезроқ келтириш ва олдинги иҳота остидаги минани тезроқ портлатишга мажбур қилди. Айни вақтда улар контрэскарп галлереясига кириш олдига тоғ замбарагини ўрнатдилар. Блохин уни олдин кўрмаган экан, японлар энди биринчи ўқ узишлари бланоқ у ўз тўпи олдига югурди. Японларнинг снаряди тўпчилардан ҳеч кимга тегмай, баланддан ўтиб кетди.

Ер тагида замбаракбозлик бошланди. Қоронғи галлерея ичида тўплардан отилган ўқлар ялтилаб чиқарди. Замбараклар гумбирлар, граната ва шрапнильлар даҳшатли суратда визиллааб учиб ўтарди. Ўқчилар ерга ётиб олишган, Блохиннинг якка ўзи жанг қиласади. Аммо бомбардир бўш келмасди, бирнеча марта боплаб ўқ узгандан кейин душман тўпи жим бўлиб қолди. Икки томондан ҳам отишма тугади.

Блохин, ёвнинг тўпини ишдан чиқариб бўлиб, ишқари казармага қайтди. Казарма ичида гилар ҳовотирда эдилар. Ўқчи ва матрослар японлардан шубҳаланиб қолган эдилар: японлар олдинги зо-

Вурдаги ишларини тұхтатиб, үз солдатларини орқа томонга олиб кетган әдилар.

— Олдин минани портлатиб, кейин штурм бошласа керак,—деган фикрга келишди ўқчилар.

Қванд ҳатто иҳота ёнидаги часовойларни ҳам олдириб, фақат ичкари казарма ёнига қоплардан ясалған ғов олдидагиларни қолдирди. Форт гарнizonи мильтиқларни бўлишиб олдида, штурмни қайтаришга ҳозир бўлиб турди.

Японлар форtnи ва унинг атрофини ҳамма тўпларидан мунтазам равишда ўққа тута бошладилар. Истеҳкомга снарядлар дўлдай ёға бошлади. Ҳаммаёқ яксон ва вайрон бўлиб кетди. Узи кичкина, унинг устига Фок томонидан икки баравар қисқартирилган гарнizon тобора камайиб борарди. Мудофаанинг шарқий участка штаби блан бўлган телефон алоқа узилиб, форт яккаю-ёлгиз ўзи қолган эди.

Кундуз куни соат бир яримда олдинги иҳота устидан бирдан қопқора тутун осмонга кўтарилиб, даҳшатли портлаш бўлди. Унинг кетидан яна ва яна портлади. Хароб бўлиб қолган казематлар, потериалар, контэрсарп галлерсиялари, казармалари бирин-кетин қулай бошлади. Гарнizonни даҳшат ва ваҳима босди. Казармалардан югуриб чиқаётган солдатлар япон аскарларининг колоннасини кўриб қолдилар. Японлар фортга олдинги иҳотани портлатиш натижасида пайдо бўл-

ган катта оралиқдан ўтиб кирган эдилар. Ўқчи ва матрослар команда кутмасданоқ душман устига отилдилар. Ичкари қўранинг торгина саҳнида муштлашиш бошланиб кетди. Японлар томонига ҳа деб янги аскарлар келаверди, руслар ичкари казармага чекинишга мажбур бўлдилар.

Хужум остида қолган фортга қўшни батареялар мадад бера бошладилар. Улар фортнинг японлар келган томонини даҳшатли ўтга тутиб, уларнинг чекипиши ўйлини тўсиб қўйдилар. Бу ҳол гарнизонга ўз кучини тўплаб, атака бошлашга имкои берди. Тирик қолган ўқчи ва матрослар ёв устига бомба иргитиб, найзабозлик бошлаб юбордилар. Ёв қириб ташланди. Форт руслар қўлида қолди.

Тирик қолган ўқчи ва матрослар часовийлар қўйиб, казармада тўпланишди, уларнинг сони элликтадан ошмас эди.

— Энди нима қиласмиш, оғайнилар?—деди матрослардан бири.

— Нима қиласдик, ҳаммамиз бирга бўлишимиз керак, — соддагина қилиб, деди, соқолдор ўқчилардан бири. — Коронги тушгунча туриб берамиз, кечаси мадад юборишар.

Иккинчи фортда портлаш юз бериши бланоқ, мудофаанинг шарқий участка бошлиғи генерал Горбатовский бу тўғрида Фокка хабар қилди. Фок дарҳол шарқий фронт штабига етиб келди.

— Иккитчи фортга дарҳол мадад юбориш ке-

рак, — деди Го́рбатовский — менинг ихтиёrimда «Победа» ҳамда «Полтава» кемалари матросларидан тузилган рота бор.

— Улар то фортга етиб боргунча ярмидан кўпи йўлда қирилиб кетади. Матросларнинг қонини бешуда тўқдириш ярамайди-да! Бунақа ишларни марҳум Кондратенко яхши кўрарди! Бир оз сабр қилиш керак.

— Аммо японлар сабр қилмайди-да! Улар фортга бетўхтов ҳамла қилиб турипти! Шу беш ой ичидага форт жуда қимматга тушиб кетди.

— Форт ёнида японлар ўн баравар кўп талафот берди, — этиroz билдириди участка штаби бошлиғи капитан Степанов.

— Ундай бўлса форт ўз бурчини бажариб бўлти.

Қоронғи тушишдан олдин матросларнинг бир қисми фортга юборилган эди, японларнинг тўплалиги уларни тарқатиб юборди.

— Шундай бўлади деб мен айтмабмидим! — дерди Фок.

Кечки пайт. Японларнинг янги аскарлари ишга солинди, улар фортнинг деярлик ҳамма ерини эгалладилар. Оз қолган гарнизон, мардона жанг қилиб, ички казармани сақлаб туролмади, аммо уларнинг рухи тушмаган эди, улар фортни ўзимиз сақлаб турамиз, фақат одам юборсангиз бўлгани деб штабдан ўтинар эдилар. Бу ҳақда Фок шта-

бига хабар қилишди. Генерал қаҳрамонларни бе-
фаҳм ахмоқлар деб сўкди-да казармалар портла-
тилсин, форт ташлаб чиқилсин деб буюрди.

Солдатлар буни эшитиб газабланиб кетишиди.

— Японлар эртадан бери уриниб бизни уриб
чиқаролмади. Нега энди фортни бекорга ташлаб
кетар эканмиз?

— Бошлиқларнинг буйруғи шу, — деди Кванц.

— Қайси бошлиқларнинг бўйрўғи: рус бошлиқ-
лариникими ё японларникими? — олдинга суқи-
либ ўтди Блохин. У бир кундá икки марта ярадор
бўлган эди, боши ва чап қўли хилмаҳил латта
блан борланган эди.

Кванц унга жекириб бермоқчи эди, солдатлар-
нинг важоҳатини кўриб, индамай қўяқолди.

— Генераллар хоинлик қилмоқда! — давом эт-
ди Блохин, — ким кетса кетаверсин, мен шу ер-
да қоламан.

— Мен ҳам сен блан қоламан, — мен ҳам, мен
ҳам...—ҳар томондан овоз чиқди.

— Билганингни қилинглар, биз кетамиз,—ле-
Кванц. У блан гарнizonнинг озгиша қисми кетди.

Қолган солдатлар фортнинг ҳар ерига, казарма-
ларга, потерна, контэрскарп галлереясига мина
кўма бошладилар; улар штурмнинг энг кейинги
дамида фортни ўзлари қўпориб юбормоқчи эди-
лар. Ишга Блохин бошчилик қилар эди.

Японлар фортнинг ўзлари эгаллаб олган жойла-рига ўрнашар ва кечаси узил-кесил штурм қилиш учун янги резервлар келтирадар эдилар.

Ўқчи ва матрэслар фортинг ҳар ерига тарқа-лишиб, Блохиннинг командаси остид милтиқдан сустлик блан отар эдилар. Японлар томонида шовқин соат сайин зўрайиб борар эди, аммо Блохин бунга э’тибор бермас эди. Кўмилган мина-ларнинг иплари бир ерга келиб тўпланиб, электр симига боғлаб қўйилган эди. Японлар штурм бошлаганда ток юборилса бас, — японларнинг ҳаммаси форт харобалари тагида қолиб ўлар эди.

Ярим кечада Блохин ҳувиллаб қолган фортни айлангани кетди. Контрэскарп галлереясида «Паллада» кемасидан келган икки матрос японлар блан бомба ташлашиб туришар эди. Бу ер узоқ бўлгани учун электр сими тортилмаган эди, фақат пиликлик патронлар ўрнатилган эди.

— Билиб қўйларинг, йигитлар, ла’нати ғилайлар бостириб келиши бланоқ, шошилмай чекинла-риг-да, деворга кўмилган пиликларни ёндираверинглар. Орқа томондаги зовур кўприги ёнида йиғилишамиз, — огоҳлантириди Блохин.

— Офицердан фарқинг йўқ, — ҳазиллашибди матрослар.—фақат елкангда олтин погонииг йўқ халос. Ҳа дегунча мушт ҳам солиб қоларсан.

— Ҳар ишнинг тартиби бўлиши керак, бўлмаса япон ҳаммамизни паишшани ўлдиргандай ўлдириб

ташлайди, — давом этди Блохин. — Казарма ёпидаги кўприкдан буёқقا! деб бақирдимми тездан юргуларинг, портлагандада бирон нарса босиб қолмасин.

Офицерлар казематига қайтиб, шишанинг тагида қолган арақни ичди-да, энди чиқиб кетмоқчи бўлиб туриб эди, телефон жаранглаб қолди. Казематнинг бир бурчагида ҳамманинг эсидан чиқиб қолган аппаратни кўриб ажабланди.

— Вой абраҳларей, қазнага қарашли буюмни ташлаб кетишавериптия! — деди сўкиниб ва телефон трубкасини қулогига тутди.

— Ким телефонда? — кимнингдир баджаҳл товушни келди.

— Иккинчи форт коменданти бомбардир — лабораторист — Филипп Блохин.

— Сен ахмоқни ким комендант этиб тайинлади? Жаноби офицерлардан биронтасини чақир!

— Унақалари бу ерда йўқ.

— Мен блан бундай беадаб гапиришга ким ҳуқуқ берди?

— Қечирасиз, жаноби олийлари, сизнинг ман сабингизни телефондан кўролмай турибман, — мазак қилиб деди Блохин.

— Генерал Горбатовский гапиради. Нега форт шу маҳалгача қўпорилмади?

— Японларнинг ҳужум бошлишини кутиб гу-

рибмиз. Қелсин, бирга портлатиб юборамиз, жа-
ноби олийлари!

— Ҳозирнинг ўзида портлатиб юборишни бую-
раман, акс ҳолда ҳаммаларингни судга бераман!

— Жудаям қўрқитманг, қўрқмаймиз, — деди
Блохин ва телефон симини узиб қўйди. — Ана
энди тўйгунингча бақиравер! — деб сўкинди.

Бир оздан кейин осмонда ракета ёндирилди, шу
ондаёқ японлар ҳар атрофдан «банзай» деб қич-
қириб, шўри қурган фортга ёпирилиб кела бош-
ладилар. Энг кейинги штурм бошланди. Блохин
юрганича потернага чопди... Унинг тўғрисидан
солдат ва матрослар югуриб келмоқда эдилар.

— Ҳамма пиликларни ёндиридик, — дейиши
улар.

Фортнинг ҳар томонидан бирин-кетин портлаш
гумбирлади. Галлерия блан потерна гумбир этиб
қўпорилди, штурм қилган япон колонналари ха-
роба остида қолиб кетди. Казармани тутун ва тў-
зон босди. Блохин кўприкка югуриб борди-да, ик-
ки томондаги зовурларни қўриқлаб турган ўқчи-
ларни чақирди. Ўқчилар кўприкнинг нариги томо-
нига ўтиб олгач, Блохин рубильникни босди. Ос-
монга ҳайбатли аланга кўтарилди, даҳшатли порт-
лаш ҳаммани ларзага келтирди. Портлаш зарби
Блохинни улоқтириб йиқитди. Унинг ёнида бомба
парчаси тегиб ярадор бўлган матрос чинқириб

ётарди. Фортнинг бошқа ҳимоячилари ўзларини панага олишга улгурған эдилар.

Портлаш босилғандан кейин Блохин ўрнидан туриб, усти-бошини қоқди-да, фортнинг ёнидаги Куропаткин Люнетига югурди. Бу ерда бирнече матрөс ва ўқчи қолган эди, қолғанлари харобалар остида қолиб ҳалок бўлиб кетган эдилар. Шундай қилиб, бешинчи декабръда 2-нчи форт таслим бўлди.

Яна икки ҳафта ўтди. Генерал Фокнинг хийла-найрангларига қарамай, Артурнинг форtlари ҳамон бўш келмас эдилар. Унинг форtlарни бўша-тиб чиқиш ҳақида берган буйруқлари бажарилмас эди, шунинг учун японларга уларнинг ҳар бирини жанг қилиб олишга тўғри келар эди. 3-нчи фортни матрослар қўриқлар эди.

— Яхшилаб қулоқ солларинг, йигитлар, япон-лар ҳали қазиб ётиптими, йўқми, — деб буюрди учинчи форт коменданти лейтенант Акинифиев.— Қазишдан тўхтадими, дарҳол олдимга югулинг-лар.

Японлар фортнинг олдинги зовурини эгаллаб олиб, капонирдан потернага борадиган йўлнинг икки томонига мина кўмиб, иҳотани қўпориб юбор-моқчи эдилар. Руслар бунга йўл қўймаслик учун улар ҳам мина кўмишга киришдилар, аммо уларда

бу иш суст борарди. Сапёрлар йўқ эди, ерни оддий солдат ва матрослар қазирди. Сапёр поручиги Мокриевич ичкариги казармада беркиниб ўтиришни афзал кўтарди. Фортда «Севастополь» броненосидан келган матрослар хизмат қиларди. Гарчанд лейтенант қал'a жанги қоидаларини билмаса ҳам, матросларнинг ёрдами блан қўранинг орқа томонига хандақ қазиттирди-да, бостириб келган японларга шу ердан туриб қаршилик кўрсатди.

13 декабрь тонгидан японлар фортни катта замбараклардан ўққа тута бошладилар. Унинг устига японлар форт атрофидаги хандақларга мина аппаратлари ўрнатиб, ичкари қўрага мина ёғдира бошладилар. Матрослар потернага кириб беркинган эдилар, броқ мина ёрилиб, потерна қулаб тушди, потерна ичидаги одамлар тириклайин кўмилиб қолдилар.

Буни кўриб қолган Акинфиев бирнечча ўқчи ва матрослар блан уларни қутқаришга югурди. Аммо яна мина ёрилиб, уларни ҳарёққа чочиб ташлади. Қулоғи гаранг бўлган лейтенант казармага қайди-да, ҳаяжон ичидаги Мокриевичдан потернада қолганларни қандай қилиб қутқариш мумкин деб сўради.

— Бу нарса бизнииг қўлимиздан келмайди. Гарнизов кучларини штурмни қайтаришга сақлаш ке-

рак. Японларни қувиб юборсак, кейин уларни қазиб олишга уриниб кўрамиз.

Лейтенант бунга рози бўлмади, ўз матрослари орасидан бир нечасини олиб, японлардан ихтиёти бўлиб, харобаларни қазий бошладилар. Иш жуда секин борар эди, шундай бўлса ҳам, кечга қадар олтмиштacha кишини қазиб олишди, уларнинг ярми соғ, ярми майиб эди.

Совуқ ва очиқ кун кетидан қоронги, туманли тун келди. Форт ҳимоячилари тун қоронгисидан фойдаланиб, бузилган, ёрилган ва шикаст еган жойларни тузатишга киришдилар. Патернапи бутунлай кўмиб ташлашга қарор қилдилар. Ҳар эҳ тимолга қарши девор ва шифтларига мина кўмдилар.

Японлар ҳам иҳота остида тинмай ишлаб, миналарни тезроқ кўмиб бўлишга шошилар эдилар.

Туманли тонг отди. Тўсатдан гумбир отганда солдатлар казармаларда чой ичиб ўтирад эдилар. Турпоқ, бетон, тошлар ёғилди, ичкари қўрани аччиқ тутун босиб кетди. Акинфиев солдат ва матросларни казармадан олиб чиқишга уринган эди, броқ чиқишга уринганлар ўт ичида қолиб ҳалок бўларди.

— Ўзим бошлиб бериб, уларга намуна бўлишим керак,—деди лейтенант ва эшикка қараб юрди.

Шошманг, жаноби олийлари! Беҳуда ўлиб

кетишининг нима қераги бор! — дейишди унгаматрослар. — Япон фортга бостириб кирганда отицима тұхтайди, үз одамларини ўққа тутмайдыку, ахир, үшанда биз уларни матросчасига, наиза блан кутиб оламиз.

Бу таклиф тұғри әди, лейтенант қайтди.

Бирнече минут үтди, бомбардимон ҳамон давом этарди. Снарядларнинг гумбирлаб ёрилишидан казематларнинг шифтлари ларзага келарди, аммо ҳали ҳам маҳкам турарди, фақат сири құчиб туашарди.

— Жаноби олийлари, япон олдинги иҳотага чиқиб олиптику! — деб бақырди матрослардан бири казармадан бошини чиқарып қараб.

Акинфиев ўқ ёғилиб туришига қарамай, ичкари құрага чиқди. Японлар снаряд тушиб пайдо бўлган чуқурнинг атрофига тупроқ блан тўлдирилган қоп термоқда эдилар. Уларнинг ба’зилари үз снарядлари остида қолиб ўлар, қолганлари эса, ишни давом этдираверар эдилар. Матрослар уларни ўққа тутиб, бомба ирғита бошладилар. Шу онда казарманинг худди эшиги ёнига икки снаряд тушиб, гумбирлаб ёрилди, руслар яна казарма ичига қайтишга мажбур бўлдилар. Улар кегидан японлар югуриши блан, тўплар отишдан тұхтади.

— Менинг орқамдан олға!—деб команда берди Акинфиев матросларга. Найзабозлик бошланиб кетди.

Японларнинг батареяси денгизчиларниң атакага ўтганини кўриб, фронтни яна ўқقا тута бошлиди, ҳам русларни, ҳам ўз аскарларини қира бошлади. Тирик қолган матрослар лейтенант блан бирга казарма дарвозасига қараб чекинишиди.

— Ажал блан ҳазиллашманг, дўстим, — деди Мокриевич, уларнинг ёнига келиб. — Бари бир оқибатда ютқазасиз бевақт ўлиб кетасиз. Горбатовский солдатларни аяшни ва заруриятсиз атака қилмасликка буюрди.

Қисқаси, фронтни мудофаа қилмасликми?

— Бундай бўлмаса ҳам, шунга яқинроқ. Мен ўз сапёрларимга ашқол-дашқолларингни йиғишиправер деб буюрдим... Кечасигача туриб, қоронгида жўнаб қоламиз...

— Ахир, фронтни бундан буён ҳам мудофаа қилиш мумкинку!..

— Бошлиқларимизнинг режаси бошқачароқ бўлса керак...

Қал’а мудофааси шарқий фронт бошлигининг фортни қаршилик кўрсатмасдан ташлаб чиқиш ҳақидаги телефонограммасини ўз кўзи блан кўрмагунча ишонмади. Телефонограмманинг мазмуни бир зумда бутун гарнizonга ма’лум бўлди.

Шу маҳалгача зўр матонат блан мудофаа қилиб келган русларнинг энди фортни сра қаршилик кўрсатмасдан ташлаб чиқиб кетишларига японлар

ищонишмас эди. Улар руслар яна бирон маккорлик қилса керак деб, илгари силжишга қўрқиб, казарма ва зовурни ҳамон ўққа тутар эдилар.

Кечки пайт «фронтни мудофаа қилишнинг оғиқ имконияти йўқлиги» учун, уни ташлаб чиқиш тўғрисида очиқ бўйруқ келди.

— Бу хоинлик! — деб куйинар эди Акинфиев, — биз яна мудофаа қилишга қодирмиз.

— Бошлиқларнинг амрига қарши туриб бўлармиди! — деди Мокриевич.

Шундан кейин Акинфиев Горбатовскийга ўз номидан э’тиroz ёзиб матрослардан биридан бериб юборди. Бунга жавобан Шарқий фронт штабига келиш тўғрисида бўйруқ олди.

Акинфиев штабга кетай деб турганда матрослар ундан:

— Биз нима қилайлик, жаноби олийлари? — деб сўрадилар.

— Мен қайтгунимча, ўқчи ва сапёрлар фортни ташлаб кетсалар ҳам, сизлар ҳеч қаерга қимирамай туринглар!

— Хўб бўлади, жаноби олийлари, шундай қиласмиш!

Штабда Горбатовский лейтенантни маҳтаб юборди. Фортни мудофаа этишда кўрсатган мардлик ва маҳорати учун ташаккур билдира бошлади.

Агар гарнизоннинг ҳаммаси денгизчилардан иборат бўлганда эди, З-нчи фортни ташлаб кетиш

ҳақида гап ҳам бўлмасди, аммо ўқчилар анча чар-
чашган ва илгариги чидамлари қолмаган,— дерди
генерал.— Шу сабабдан мудофаа масофасини
қисқартиш ва хароб ҳолига келиб қолган, мудофаа
қилишнинг иложи қолмаган фортларни ташлаб чи-
қишга карор қилинди. Буларнинг қаторига учинчи
форт ҳам киради.

— Мен у ерни яна бир ҳафта ушлаб турға ола-
ман,— деб ишонтиради Акинфиев.

— Сизнинг матросларингиз бошқа жойда ке-
рак бўлади. Менинг буйруғимни албатта бажари-
линигизни ўтинаман.

— Хўб бўлади!

Фронтга кетатуриб йўлда лейтенант ўз матрос-
ларини учратиб қолди. Улар форту ташлаб чиқил-
ли деб айтишди.

— Казарма бутун қолаверди-я... Фақат йўлакда
битта думолоқ минани портлатишга улгурдик ха-
лос, шунда ҳам поручик бизни сўкиб берди,— де-
ди унтер-офицер.

— Менинг буйруғимсиз нега форту ташлаб
кетдинглар?

Матрослар унга ҳайрон бўлиб қараб қолишли.

— Телефонда сизнинг номингиздан штабга йи-
ғилинглар дейишди, штабга қараб кетаётимиз.

Акинфиевнинг боши гаранг, аммо энди ҳечнар-
са қилолмас эди.

Японлар русларнинг фортдан кётгандарини пай-камай қолдилар, эртаси куни кечқурун уни эгаллашга киришдилар.

16 декабрьга бориб мудофаа линиясидаги фортлардан руслар қўлида фақат З-нчи истеҳком қолди. Истеҳкомда биронта тўпчи қолмаган эди.

— Лепёхин, ёнингга бешта одам олиб З-нчи истеҳкомга бор. Ўша ерда артиллерия бошлиғи бўласан, — деб буюрди Борейко, фейерверкер Лепёхинга.

Соқолдор фейерверкер честь бердида, ўз каземтига қараб кетди. Ўз ёнига солдатларни тўплаб, олинган буйруқни айтди.

— Ким боради мен блан?

Солдатлар оғир уҳ тортиб, индамас эдилар.

— Батареяда бемалол кунимиз ўтарди, уруши охиригача шу ерда қолармиз деб ўйлардик, йўқ, энди аллақандай учинчи истеҳком чиқиб қопти, — ахир деди солдатлардан бири.

— Худонинг амри-да! — деди Лепёхин.

Ҳар ҳолда улар орасидан беш киши чиқди. Жўнаб кетишдан олдин диндор Лепёхин бирнечча марта фотиҳа ўқиди, кейин инжил ва солдатлар кўпроқ ҳурмат қиласиган, иконни олиб олди. Солдатлар батареядан чиқиб кетаётганларида Борейко уларни чақириб олди.

— Зиёратга боришга йўлландиларингмч дейман?

— Худди шунаقا, отландик. Учинчи истеҳкомда сизнинг дуойи жонингизни қилиб ётамиз, жаноби олийлари,— деди Лепёхин ҳам ҳазиллашиб.

— у ер жуда хавф-хатарли жой, бизнинг Тогимизга иснод еткизмаларинг тағин!

— Қўрқиб қочганларингни билсам ҳаммангни каллангни узиб ташлайман! — насиҳат берди Борейко.

Тўпчилар истеҳкомга кечқурун етиб бордилаф ва комендант Спредовнинг ҳузурига кирдилар.

Лепёхин одамларини казармага жойлаштириди-да, артиллерия қуроллари блан танишгани кетди. Артиллерия 1877 йилда чиқарилган поршеньли икки дала тўпи, карнайининг ичи текис бир хитой тўпи ва майда калибрли бирнеча денгиз тўпчаларидан иборат эди.

Истеҳкомнинг олдинги қисмини японлар эгаилаб олган эдилар. Лепёхин артиллерия блан яхши танишиб бўлиб, тўпларни иҳота бўйига ва орқа томондаги зовурга ўрнатди-да, уларнинг ҳар бирiga ўз одамларини командир қилиб қўйди. Бу одамларга ўзи ишонарди.

— Буйруқ берилмасдан туриб отма, яхшилаб мўлжалга олиб от, снаряд бекор кетмасин,—насиҳат берарди тўпчиларга.

Үчинчи фортдаги синғарій, японлар бу ерда ҳам фортнинг ичини миномётлардан ўқса тутар әдилар. Шунинг учун часовойлардан бошқа ҳамма одамлар ичкари құрага кираверишдаги жойга беркинган әди. Истеңкөм коменданти Спредовнинг ўзи ҳам шу ерга жойлашды, фельдфейбеллерден чиққан зауряд—прапорщикни ўқчилари блан құра зовурини қўриқлашга юборди.

17 декабрь куни олдинги иҳотанинг портлашини кутиш блан ўтди, аммо японлар шошилмас әдилар. Кечки пайтга бориб японлар истеңкомни ўқса тутишни тұхтатдилар. Икки томон суст милтиқбозлик қилиб турар ва бир бирларига бомбача нрғишишарди.

Қоронғи тушгандан кейин иҳота устида бир япон пайдо бўлиб, рус тилида қичқирди:

— Ҳой ялангоёқлар, таслим бўлинглар! От гўшти жонларингга теккандир, окопда совқотиш ҳам бизнинг жонимизга тегди. Урушни тугатайлик. Генералларинг бутун қал'ани, ундағы ҳамма солдатларни сотиб юборди-ку, ахир!

— Вой сен оғзи тириқ ла'натией! — деб милтиқларини ўқталган әди ўқчилар, аммо япон дарҳол ғойиб бўлди.

Кейин рус окопларига хитобнома боғланғаш тошлар келиб туша бошлади. Хитобномаларда японлар русларни яна таслим бўлишга да'ват этар әдилар.

— Қасам ичганимиз, бүт ўпганимиз эсларингда бўлсин, йигитлар, бир томчи қонимиз қолгуича истеҳкомни ҳимоя қилмоғимиз керак,—деди Лепёхин тўпчи ва ўқчиларга.

Тун осойишталикда ўтди. Японлар мина галълереяларида тиимай ишлар эдилар.

Эрталаб дукур-дукур тамом бўлди. Спредов ҳамма одамни истеҳкомни орқа томонига олиб ўтиб қўйди, олди томонда фақат бир-икки часовой қолди. Тўпчилар тўпларни ўқлаб ҳозир турдилар. Лепёхин тўпчиларга насиҳат берарди:

— Айиқ полвоннинг¹ гапини унутмаларинг «Тоғимиз номига иснод етказмайлик, японнинг тумшугига тушираверларинг!» деган эди-я!

Эрталаб соат тўққизда, фронтда жимлик ҳукм сурган пайтда бирин-кетин иккита зўр портлаш эшитилди. Потернанинг икки томонидаги олдинги. иҳота чўқди-да, потернанинг бетон—деворлари очилиб қолди. Японлар дарҳол истеҳкомни ўққа тута бошлидилар. Гарнizon казармага беркинди. Лепёхин ўз одамларини орқа томондаги зовурга олиб ўтди. Бир оздан кейин снарядларининг бири потернанинг олди томонига тушиб, бетонни ёриб ўтди-да, бинонинг ичига кириб ёрилди. Айни вақтда шу ерда тўплаб қўйилган бомбалар ҳам ёрилиб кетди. Портлаш зарбидан потерна қулаб тушди,

¹ Борейкони солдатлар суюб «айиқ полвон» дердилар?

истеҳком командири ва гарнizonнинг аксари қисми ҳалок бўлиб кетди. Ичкари қўрага кириш йўли ҳам беркилиб қолган экан.

Японлар штурм бошладилар. Улар ҳечқандай тўсиққа учрамай, ичкари қўрани эгалладилар-да, икки четдаги зовурлардан ўтиб, истеҳкомнинг орқа томонига чиқдилар. Гарнizonнинг бутун қолган қисми қамалиб қолган эди. Гарнizonнинг қандай аҳволга тушиб қолганини ҳаммадан олдин Лепёхин фаҳмлади. Инжилни олди-да чўқинди.

— Ажалимиз етди, оғайнилар, — деди у, ўз одамларига.

Тўпчилар инжилни ўпишди-да, қўлларига милитиқ олишди.

— Қани, буюр, улуғимизсан.

Лепёхин солдатларни казарма деразалари ёнига қўйиб, ўзи эшик ёнига жойлашди. Нари бери қоп босиб, ихота ясадилар-да, пулемёт ўрнатдилар. Казарма ва потернада ҳаммаси бўлиб юзтacha одамтирик қолган эди. Аммо уларнинг кўпи ярадор, майблар эди. Ишга яроқлилари қирқтадан ошмас эди.

— Таслим бўл, рус! — деб қичқиради японлар, бунга жавобан руслар ўқ узар эдилар.

Японлар дала тўпларини яқин келтириб, казармаларни ўққа тута бошладилар. Аммо бу бомбардимонга бетон чидаш берди. Солдатлар деразалар

ўртасидаги девор панасига беркиниб, икки ўқ орасида ёвга бомба ирғитар эдилар. Лепёхин дарвозадан японларга пулемётдан ўқ сочарди. Бўйи пакана, елкаси кенг, сийрак соқолли бу одам бирдан улгайгандай, овози қаттиқ ва иродали бўлган, қулранг кўзлари жасур боқар эди. Унинг ҳамма буйруқлари дарҳол адо этиларди. Фейерверкернинг инжилпастлигини масхара қилиб кулган матрослар ҳам унинг итоатидан чиқмас эдилар.

Қиши куни оқшомга оғган, аммо гарнизон ҳамои қаршилик кўрсатарди. Истеҳкомнинг олдига қал’ани қамал қилган армия штабининг бошлиғи генерал Идзитининг ўзи келди. У истеҳкомни топшириш тўғрисида музокара бошлаш учун парламентёр (вакил) юборди. Оқ байроқ қўтарган япон майори дарвоза ёнига келиб, баланд даражали офицерни чақириди.

— Ла’нати гилайга кўз-қулоқ бўлиб турларинг, яна маккорлик қилмасин. Фиди-биди деса — урларинг! — деди Лепёхин, парламентёрнинг олдига чиқиб кетаётиб...

— Менга офицер комендант керак,—деди япон.

— Комендант мен бўламан, бизда офицер йўқ,—жавоб қилди фейерверкер, салмоғдор қилиб.

— Агар ҳозир ўз ихтиёргиз блан таслим бўлсангиз, — омон қолдирамиз, — деди япон.

— Үзоқ кутишга тўғри келади, жаноби япон

олийлари, — деди-да Лепёхин, ичкарига қайтиб кириб кетди.

Японлар истеҳком ёнига яна бир неча рота келтириб, қийқириб, штурм бошлаб юбордилар. Озгина гарнizon борган сайин камайиб борарди. Туйнуклар ёнидаги солдатларнинг бири кетиб, бири келиб турарди. Енгил ярадор бўлганлар ўқ ва бомба узатиб турардилар. Икки марта ярадор бўлган Лепёхин то бомба тегиб бузиб юбормагунча ўқ узиб турди. Казарманинг ичи аччиқ тутунга тўлиб кетди. Ярадорлар минут сайин кўпайиб турарди. Улар казарманинг бутун қолган жойига ўтиб йиғилишди. Бомбачалар ҳам шу ерга йиғиб қўйилган эди.

Японлар ахир ичкари бостириб киришга муваффақ бўлдилар. Кеч қоронғисида найзабозлик бошланиб кетди. Учинчи марта ярадор бўлган Лепёхин бомбачалар ётган жойга зўрга етиб олди-да, душманга ҳамон ўқ отар эди.

Японлар бутун казармани босиб олиб, Лепёхинга қараб югурдилар. Фейерверкер гарнizon ҳимоячиларига сўнгги марта қараб чиқди-да, ерда ётган бомбаларнинг бирини кучиниң борича бир тепди. Бирдан ёниб кетган ҳайбатли аланга ўн ўнбештача ярадор рус матросларини, найза ўқталиб турган японларни ёрнитиб юборди. Сўнгра ҳаммаёқни қопқора тутун босиб кетди. Истеҳком



харобалари остида гарнizon химоячилари ва штурмчи колонналар ҳалок бўлиб кетди.



Эртаси аёз ва совуқ бўлди. Борейко Залитер батареясининг блиндажидан чиқиб, муздек сувга ювина бошлади. Унинг соқоли ўсиб, ўзи ориқлаб кетган эди, аммо афти-ангари тузук, бақувват кўринарди.

— Бизниkilар З-нчи истеҳкомдан қайтишидими?—деб сўради деношигидан.

— Йўқ! Ўқилар, истеҳкомни япон портлатиб юборди, битта одам ҳам қолмай ҳалок бўлди дейишган эди.

Поручикнинг қовоғи солинди.

— Лепёхин ва унинг соқолдорлари увол кетди... Аммо асир тушмаган бўлса мардона ўлипти-да,— деди у, ҳаёлчан.—Ёв олдига йиқилишдан кўра қўлда қурол блан ўлган яхши. •

Ювиниб ва бир стакан чойни нари-бери ичиб, Борейко команда пунктига кетди.

Бинокльни энди кўзига қўйиб қараган эди, ажабланиб, қолди. Японлар бутун Хитой деворини эгаллаб, энди уни мудофаага мослай бошлаган эдилар. Кеча кечқурун ўқилар ўша деворда эдилар, тун осойишталикда ўтган бўлсада, Залитерга бир чақримча бери келиб қоптилар.

Вазиятни билиш ва нима учун ўқчилар яхши мустаҳкамланган позицияни ташлаб кетгандарини билиш учун улар олдига борди.

— Генерал Фокнинг буйруғи, — жавоб берди шу участкага командир бўлган ўқчи прaporшик.— Эшитишмча, бугун кечаси шаҳар ёнига чекинар эмишмиз.

— Мен артиллериячиларим блан Залитердан ҳеч қаёққа силжимайман, — қовоғини солиб деди Борейко.

— Японларнинг чангалига тушасиз.

— Олдин замбаракларнинг оғзини шаҳарга қаратиб, Стессель ва Фокнинг штабини, уй-жойларини ўққа тутиб, осмонга учириб юбораман, — деди Борейко, хаёл ичида.

Батареяда уни янги ҳужум хабар кутарди. Телефончи кечаси соат ўнинкинча Б Литери батаросясини ва Залитер тоғини бўшатиш ҳақида буйруқ келди деб айтди.

— Ким берди бу буйруқни?

— Фокнинг буйруғига биноан Горбатовскийнинг штаби.

— Мен бу буйруққа бўйсунмоқчи эмасман! Бу буйруқ ҳақида ўқчилар нима дейишади?

— Уларнинг офицери Стессельга шу ерда қоламиз деб рапорт юборипти деб эшитдим.

— Тентак одам! Боцлиқлар-ку Артурни япон-

ларга топширмоқчи бўлишилтия, наҳотки у рапортни инобатга олишади деб ўйласа? Ўқчилар кетмагунча мен ҳам кетмайман, — деди поручик.

Японлар, русларнинг орқага чекинишини кўриб, улар устига ҳамма батареяларидан ўқ ёғдира бошладилар. Ёмон, нари-бери курилган окопларда ўқчилар кўп талафот бериб чекина бошладилар.

Японлар уларнинг кетидан та'киб эта бошлаган эдилар, қал'a батареяларининг даҳшатли ўтига дуч келиб, эски жойларига қайтдилар. Қал'a блан қамалчилар ўртасида артиллерия отишмаси бошланди.

Борейко кузатиш пунктида ўтириб, душман пиёда аскарлари ва унинг батареяларини мунтазам ўққа тутдиради. Японлар Залитер батареясини ишдан чиқаришга уринган эди, аммо бу қўлларидан келмас эди.

Тушдан кейин отлиқ чопар Залитерни бўшатиб бериш ҳақида янги буйруқ келтирди.

Борейко бу буйруққа ҳам бўйсунишдан воз кечди. Аммо бир соат ҳам ўтмаган эдики, учинчи мудофаа линиясидаги батареялар Залитер батареясини орқа томондан ўққа тутиб қолди. Дастребаки снарядлардан тўпчилардан бирнеча киши ярадор бўлди. Борейко ўз одамларини беҳуда нобуд қилмаслик учун Залитер батареясини таш-

лашга мажбур бўлди. Тўпчиларини ёнига олдида, Горбатовскийнинг штабига кетди.

— Батареяни портлатиш учун нима қилдингиз?— деб сўради генерал.

— Ҳамма тўплар ва блиндажлар портлатилди, ёниши мумкин бўлган ҳамма нарсаларга керосин сепилиб, ёндириб юборилди, олиб кетиладиган нарсалар олиб кетилди, — деди поручик.

— Қанча одамингиз бор?— сўради штаб бошлини Степанов. — Катта Бургут Уяси гарнизонига мадад бериш керак.

— Йигирматача бор. Ҳаммаси Залитер батареясининг тўпчилари.

— Дарҳол Катта Бургут Уясига жўнашингиз керак, қисмларимиз учинчи мудофаа линиясида мустаҳкам туриб олгунча японларни тўхтатиб туришингиз керак, йўқса ёв шаҳарга бостириб кириб, Хитой урушида бўлгани каби, тинч аҳоли ва ярдорларни қириб юборади.

Ўн минутлардан кейин тоглилариниг қолганинг қутганлари Катта Бургут Уяси томон кетар эдилар. Олдинда Борейко борар, энг кейинда Блохин борар эди. Гарчанд унинг ҳаммаёғи хилма-хил латталар блан боғланган бўлсада, серғайрат ва дадил эди.

Катта Бургут Уяси Эски шаҳар ва Шарқий фронтнинг орқа томони устидан устун турар эди.

Уя таслим бўлса японлар қал'a мудофаасининг калидини ўз қўлларига олган бўлардилар. Катта Бургут Уясидан ҳамма ерни ўққа тутиш мумкин эди. Уянинг таслим бўлиши бутун қал'анинг таслим бўлиши демакдир.

Тоғ чўққисига мустаҳкам истеҳқомлар қурилган, тоғнинг бир неча жойлари ўйилиб, ичига блиндаж қурилган эди, бу блиндажларни ҳеч қанақа снаряд тешиб ўтолмас эди.

Эллик саржинча баланд келадиган бу тоққа пиёда аскарлар чиқолмас эди, аммо унинг тагида ўқ тегмайдиган каттагина пана жой бор эди. Бу ерга, тоғнинг тагига кўп куч тўплаш мумкин эди.

Залитер ва бошқа батареяларнинг таслим бўлиши блан, Катта Бургут Уясига олиб келадиган ҳамма йўллар ёвнинг ўти остида қолган эди, шунинг учун тўпчилар, тоғ чўққисига олиб борадиган сўқмоқ йўлга зўрға етиб олдилар. Бу ерда улар тоғ коменданти капитан Голицинский ва денигизчилар командасининг бошлиғи лейтенант Тимировга учрадилар. Голицинский ярадор эди, ҳаммаёғи боғланган ҳолда блиидаждада ётар эди. Зангила касалига мубтало бўлган лейтенант зўрға оёқда тураг эди.

— Комендант вазифасини ўз устингизга олишингизни сўрайман, — деди капитан Борейкога — мен ҳам, лейтенант ҳам ҳолдан толдик.

— Що устига! — деди Борейко. — Ымкон бўлиши бланоқ Бургут Уясидан кетиб, тиббий пунктга боришингизни таклиф қиласман.

Кейин Борейко истеҳкомни айланиб чиқди. Тоғли ўқчилар келмасдан олдин истеҳком гарнизони йингирматача ўқчи ва денгизчидан ошмас эди. Уяд «максим» деган учта пулемёт, бирнечча шметилло пулемётлари бор эди. Ундан ташқари, думолоқ миналар ва бомбачалар бор эди.

— Блохин, бир ўйлаб кўр, мана бу совғаларни боплаб пастга ташлайлик, — деб буюрди Борейко. — Мен шметилло пулемётлари блан шуғулланаман, қанча овқат ва сув борлигини ҳам билайчи.

Бургут Уясидан япон позициялари, Артур гавани ва эски шаҳар bemalol кўриниб турар эди.

Японлар тоғ чўққисида ҳаракат бошланганини сезиб, мунтазам равишда ўт очдилар. Гарнизон тор ва чуқур хандақларга беркиниб олди, талафоти йўқ эди. Ярим соатча ўтга тутгандан кейин ёвниңг аскарлари штурмга ўтиб, Бургут Уяси тоги тагигача етиб олдилар.

Борейко иҳота устидан мўралаб қараб, японларнинг тошдан-тошга чирмасиб чиқаётганларини кўриб қолди.

— Устига думолоқ миналарни ташланглар, — деб буюрди-да, японлар устига бир шода бомба ташлади. Шунинг кетидан эшитилган дод-войлар

бомбаларнинг мўлжалга бориб текканини билди-
рарли.

Блохин ўқчи ва денгизчиларнинг ёрдами блан
ичига пироксилин солинган ўн пудли шарни иҳота
устига олиб чиқди.

— Тайёр! — деб бақирди Блохин ва пликка ўт
қўйди.

— Қулат!—деб буюрди Борейко ва минани
ўзи ҳам қулата бошлади. Шар пастга қараб дума-
лаб кетди. Ерга етиб бормасданоқ гумбирлаб
ёрилди-да, ҳаммаёқни яксон қилиб юборди. Япон-
ларнинг тирик қолгани ўз окоплариға қочиб кет-
ди.

Бургут Уяси яна тўлга тутила бошлади, унинг
чўққиси тутун ва чанг ичига кўмилиб кетди.

— Қечасигача туриб бероламизми? — деб сў-
ради поручик, Блохиндан.

— Тоғлиларни японлар енгаолмайди, — деди
Блохин, қат'ий, — туриб берамиз, қоронги туши-
ши блан шаҳарга кетамиз.

Бир оздан кейин японлар артиллерия ўтини па-
на қилиб, яна тоғ тагига етиб, мустаҳкам ўрнашиб
олдилар. Бомбалар ҳам, миналар ҳам уларга
тегмас эдилар.

Шимол томондан шамол эсарди. Блохин бундан
фойдаланмоқчи бўлди. Блиндажлардан латта-пут-
таларни тўплаб келди-да, уларга тош боғлаб, ке-
росинга ботириб, ёндириб пастга ташлади. Бутун

атрофни аччиқ ва сассиқ ҳид босиб кетди. Японлар унга чида буролмай, пана жойларини ташлаб чиқа бошладилар, руслар уларни ўққа тутиб бердилар.

— Лә'нати ғилайнин қувиб чиқардик-а! — хурсанд бўлишарди солдатлар.

Аммо яна замбаракларнинг ўт очиши Бургут Уясининг гарнizonини блиидажларга кириб беркинишга мажбур этди. Ярадорларнинг сони тобора ошиб борарди. Уларни зўрға боғлаб улгирадилар. Борейко ҳамма ярадорларга тоғдан кетишга буюрди.

— Яраларингни боғлашга вақтимиз йўқ, — деди у қат'ий.

Бирнеча солдат ва матрослар кетишиди. Аммо ҳамма тоғлиқлар охиригача командирларидан ажралмасликка қарор қилдилар.

— Тоғда ҳам, Залитерда ҳам бирга бўлдик, ўлсак бирга ўламиз, — деди Блохин, ҳамманинг тилидан.

Соат иккиларга яқин японлар яна Бургут Уясисига ҳамла бошладилар. Улар Уянинг ҳамма атрофини ўраб олдилар-да, ёнбағирлардан чирмавиб чиқа бошладилар. Ба'зилар чўққига чиқиб олган ҳам эди. Аммо уларни пастга итариб юбордилар.

Штаб блан алоқаси узилган Борейко ўз вазиятини фақат сигнал бериш йўли блан билдира олар

ва мадат сўрай олар эди. Аммо Горбатовский лом-
мим демас эди. Фокнинг буйруғига кўра, Бургут
Уяси таслим бўлиши, гарнизони эса, ҳалок бўли-
ши керак эди.

Кечга томон туман тушди. Эски щаҳар ғира-
шира кўринарди. Шу орада сув ҳам тугади. Яра-
дорлар сувсирап ва блиндажларда югуриб юрар
эдилар. Бомба ва милтиқ ўқлари ҳам тамом бўлиб
қолган эди.

— Жаноби олийлари, рухсат этинг, японни най
за блан қувиб, ярадорларни олиб чиқайлик, — де-
ди Блохин Борейкога.

Поручик атрофга кўз ташлади. Бутун қолган
солдатлар йигирматача эди. Ярадорлар ҳам шунча
эди. Улардан бештаси оғир ярадор эди.

— Майли, — деди Борейко ғамгишлиқ блан. —
Менга икки киши қолдирсанг бўлади, сенларни па-
на қилиб турамиз.

— Рухсат этинг, жаноби олийлари, мен қолай, —
деди Блохин.

Борейко уни ва яна икки кишини олиб қолди.

— Яхши билинглар, бу ердан тирик қайтишимиз
маҳол, — деди Борейко.

— Бизлар тоғлилардан бўламиз, жаноби олий-
лари, — деди Блохин.

Борейко милтиқ ушлашга қодир бүлган ҳамма одамларни түпләди-да, японлар устига тепадан хужум қилишга буюрди. Бу шу қадар кутылмаган эдикі, японлар түм-тарақай бўлиб қочиб қолди. Цеярлик ҳамма солдатлар Бургут Уясини қуршаб олган ёвни ёриб ўтдилар.

— Ўтишди, — деди Борейко, — қани, йигитлар, энди бўш келмайсанлар! Японлар ҳозир бизга бостириб келади.

У янгишмаган эди. Японлар Уя бўшади деб ўйлаб, унинг чўққисига тирмашиб чиқа бошладилар. Аммо Борейко, Блохин ва икки матрос уларнинг устига бомба ташлай бошладилар.

Японлар қанча «банзай» деб бақирса ҳам яна чекинишга мажбур бўлди.

Атака қайтарилгандап кейин, Борейко чарчаган товуш блан:

— Қанча бомба қолди? — деб сўради.

— Ўнта, жаноби олийлари. Тўққизтаси японларга, биттаси ўзимизга.

— Униси ҳам японларга. Қўлимиизда найзали милтиқлар ҳам бор.

— Банзай! — деган овозлар эшитилди пастдан.

Уч киши олдинги иҳотага ташланди. Улар энди қиррага чиққан эди, бирдан миналар гумбирлаб портлаб, тоғ-тошлар, ходалар осмонга учиб кетди...

Беш минутдан кейин Бургут Үяси устиға япон байроби тикилди.

Үнбир ойлик мудофаадан кейин Порт-Артур тасдим бўлди...`

ОХИРГИ СҮЗ

Маньчжурия төгларида жашлар тугади. Артур-нинг қўлдан берилиши, Мукден ёнида рус қўшиннелирининг тор-мор этилиши, Цусимада рус эскадра-сининг ҳалок бўлиши, мамлакат ичкарисида революцион ҳаракатнинг зўрайиб бориши подшо ҳукуматини ярашиш тўғрисида музокара бошлишга мажбур этди. Япон ҳукумати бунга жон деб кўнди, чунки бу пайтда Япония ва япон армиясининг аҳволи ниҳоятда танг эди. Мамлакатнинг экономикасига тубдан путур етган, одамлари ва бойлиги тобора камайиб бормоқда эди. Японлар денгизда тўла ҳукмрон бўлган эдилар, қуруқликда яна илгари силжишнинг айтадиган фойдаси йўқ, факат масофани узайтирас эди халос. Шу сабабдан дengiz ва қуруқликдаги қўшин қўймондонлиги қимматга тушган ютуқларнинг кўлдан кетиб қолишидан қўрқиб, яраш бўлсин деб талаб этди. 1905 йилниң 16 овгустида Портсмутда битим имзоланди,

бу битимга кўра Русия жанубий Маньчжуря блан
Қантун ярим оролини японияга берадиган бўлди.

Рус жамоатчилиги Порт-Артурни қўлдан берган
ва Цусима ҳалокатига йўл қўйғанларни чор ҳуку-
матидан жазолашни талаб этди. Урушда енгилиб
шармандаси чиққан ва революция бўлишидан
қўрққан чор ҳукумати бунга ён беришга мажбур
бўлди. 1906 йилнинг февралида Артурни ёвга бе-
риш иши юзасидан тергов бошланди. Икки йилга-
ча материал тўпланди, қанча-қанча қофоз ёзилди,
ахир 1907 йилнинг ноябррида Стессель, Рейс, Фок
ва Смирновларнинг суди бошланди.

Суд мағлубиятнинг чин айбори бўлмиш чор
ҳукуматини фош қилишни истамас эди. Шундэй
бўлсада, Стессельнинг устига айни қўйиб, тас-
лим бўлишга ҳали вақт бор эди деб, таслимни қо-
ралади. Стессель ўлим жазосига ҳукм қилинди,
Фок, Рейс ва Смирновлар оқланди. Айни замонда
суд «денгиз ва қуруқлик томондан қамал қилинган
Порт-Артур қал'аси Стессельнинг раҳбарлиги ос-
тида урушлар тарихида мисли кўрилмаган дара-
жада мудофаа этилгани ва унинг мудофаачилари
бутун дун'ёни ҳайратда қолдирганиларини» назарга
олиб, Стессельни афв этишини подшоҳ ҳукумати-
дан сўради.

Подшоҳ Стессельнинг ўлим жазосидан кечиб,
ўн йил қамоққа ҳукм қилди. Бир ярим йилдан ке-

йин Стессель «соғлиғи ёмон бўлгани учун» озол қилинди.

Қал'a қамали 332 кун давом этди. Шу даврда японлар 112 минг одам йўқотди. Руслар эса, фат 26 минг киши йўқотди. Ҳатто қуроли ожиз, мукаммал бўлмаган, хоин комендант қўли остида-ги қал'a рус солдати ва офицерининг улуғ ишларга қобил эканлигини кўрсатди.

ИЗОҲЛАР

Брусвер — иҳота, хандақ тенаси.

Гаоляк — Манжур тарифи. Молга едирилади.

Горжга — фортишиг орқа томони.

Каземат — қал’а ичидаги тўп-замбарак ўқидан сақлашадиган махсус пана жой.

Капонир — подшо армиясида тўпчи солдат; ҳозирги пиёда аскарга баравар.

Канонир — бетондан қурилган истеҳком, фақат бир томонга қаратиб ўт оча олали.

Колбаса — кечаси осмонга учирганда, ёниб атрофи бир-мунча вақт ёритиб турадиган мушак.

Контрэскарп — форт зовурининг ташқи девори; ички девори эскарп дейилади.

Лафет — тўп жойлашган жой, тўп қўндоғи.

Минёр — мина қўйиб портлатуви солдат.

Потерна — ер остидан қазилиб, бетон блан қопланган йўл.

Редут — тўрт ёки кўп бурчакли мустаҳкам.

Рикша — Хитой ва Манжурияда икки гилдиракли арава тортучи одам.

Трещётка — тартарақ

Фейерверкер — артиллериядаги кичик командир.

Фельдфебель — кичик командир, ҳозирги старшина блан баравар.

Форт — ҳамма атрофи ўралган ва мустаҳкам қилиб қурилган истеҳком.

Шанц — ер қазишда ишлатиладиган асбоблар.

Шимоза — япон ўқи.

Шрапнель — майдага ўқлар сочадиган артиллерия снаряди.

На узбекском языке

А. СТЕПАНОВ

ПОРТ-АРТУР

ОТРЫВКИ

Объединенное издательство
"Кызыл Узбекистан" и "Правда Востока"
Ташкент—1949.

Редактор: *У. Мұхамедов*
Таржимон: *О. Раҳимий*

Техред. *П. Гессельберг*

Р. 01687 Нашр № 1512 Тиражи 50.000 (1-ав. 25.000) Қоғоз
формати 70×108/³² Ҳажми 4 Печ. л. Заказ № 79. Баҳоси 2. сўм.

Бирлашган нашриёт босмахонасида босилди
Ташкент — 1949.